БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 162 (653)

18 АВГУСТ ШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

Пахта етиштириш ва тайёрлашни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни янада ошириш тадбирлари тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети пахта етиштириш ва тайёрлашни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни янада ошириш тадбирлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шуни қайд қиладиларки, пахтакор республикалардаги колхозларга, МТСларга ва совхозларга катта ёрдам кўрсатилганлиги натижасида мамлакатда 1955 йилда пахта етиштириш 1940 йилдагига нисбатан 1,8 баравар кўпайди. Кейинги йилларда пахтакор колхозларда ва совхозларда қатор ораларини торайтириб чигит экишнинг янги прогрессив агротехника усулини жорий қилиш соҳасида анчагина ишлар қилинди, 1956 йилда эса, пахта майдонининг 50 процентига чигит квадрат-уялаб экилди ҳамда гўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш таъминланди.

Бироқ, пахта етиштириш халқ хўжалигининг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан кейинда қолмоқда. Пахта етиштиришда катта камчиликлар бор, бу камчиликлар кўпгина колхозларга пахтадан мўл ҳосил олишга халақит бермоқда; меҳнатни кўп талаб қиладиган бир қанча ишлар, айниқса пахтани териб олиш ҳали ҳам етарли равишда машиналаштирилмаган; суғориладиган ерларда мелиорация ишлари қониқарсиз ўтказилмоқда; тўғри алмашлаб экишни ўзлаштириш тадбирлари кўрилмаётир; пахтанинг серҳосил, тезроқ пишадиган янги сортларини етиштириш ва жорий қилиш соҳасида етарли иш олиб борилмаётир.

Пахта етиштириш секинлик билан ўсаётганлигининг сабабларидан бири шуки, колхозларнинг топширган пахталари учун устама мукофотлар тўлаш соҳасида 1935 йилдан бери амалда бўлиб келаётган система эскириб қолди ва ҳамма группалардаги колхозларда пахта экишни кенгайтирмоқ ва пахта маҳсулотини кўпайтирмоқ учун баб-баравар манфаатдорлик туғдирмаётир.

Пахта етиштиришни кўпайтиришда колхозлар ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва топширилган пахта учун устама мукофотлар тўлаш соҳасида амалда бўлиб келган системадаги катта камчиликларни тугатиш мақсадида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети **қарор қилдилар:**

1956 йилги ҳосилдан бошлаб колхозлар учун пахта тайёрлаш нархлари сортларига қараб қуйидаги миқдорларда белгилансин (ҳар тонна учун сўм ҳисобида):

Совет сортларидан бўлган пахтанинг ҳар тоннасига 1-сорти учун 3.500 сўм, 2-сорти учун 3.000 сўм, 3-сорти учун 2.600 сўм, 4-сорти учун 1.800 сўм.

Ингичка толали совет сортларидан бўлган пахтанинг ҳар тоннасига 1-сорти учун 7.000 сўм, 2-сорти учун 6.000 сўм, 3-сорти учун 5.200 сўм, 4-сорти учун 3.600 сўм.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Енгил саноат министрлиги ва СССР Молия министрлиги билан келишиб, айрим пахтакор зоналар бўйича пахтани тайёрлаш нархларини сортларига қараб табақалаштирилган ҳолда белгилаш ҳуқуқи берилсин, бу табақалаштирилган нархлар белгиланган нархлардан 10 процентгача кам ёки ошиқ бўлиши мумкинлиги, аммо, бутун республика бўйича тайёрланадиган пахтанинг сортларига қараб ушбу қарорда тасдиқланган нархлари сақлаб қолинсин.

1956 йил ҳосилидан бошлаб колхозларга қуйидагича устама мукофотлар тўланадиган бўлсин:

а) тайёрлаш планидан ташқари топширилган пахта учун ўртача тайёрлаш нархининг 50 проценти миқдорида;

б) совет сортларидан бўлган ва ҳақиқатда экилган пахтанинг ҳар бир гектаридан 23 центнердан ошиқ топширилган пахта учун ҳамда ингичка толали совет сортларидан бўлган ва ҳақиқатда экилган пахтанинг ҳар бир гектаридан 20 центнердан ошиқ топширилган пахта учун, колхозлар пахта топшириш планини бажарганликларидан қатъи назар, ўртача тайёрлаш нархининг 50 проценти миқдорида.

Мирзачўлнинг ўзлаштирилган районларидаги кўчириб келтирилган колхозларга ва суғориладиган ерлар ўзлаштирилаётган бошқа районлардаги колхозларга шу колхозлар пахта экишга киришган биринчи йилдан бошлаб уч йил давомида ҳар қайси сортдан давлатга топширган пахталари учун шу сортнинг тайёрлаш нархига 20 процент миқдорида устама тўлаб турилсин.

1956 йил ҳосилидан бошлаб МТСларга ғўзани парвариш қилишда бажарган ишлари учун тўланадиган натура ҳақининг қатъий ставкалари ўрта ҳисоб билан 40 процент камайтирилсин, шу жумладан МТСларнинг ингичка толали сортлардан бўлган ғўзаларни парвариш қилиш соҳасида бажарган ишлари учун тўланадиган натура ҳақининг қатъий ставкалари 50 процент камайтирилсин.

Шунга яраша МТСларнинг пахтачилик соҳасидаги ишлари учун уларга натура ҳақи тўлашдаги 1956 ва 1957 йилларга белгиланган плани камайтирилиб, пахтани контрактация қилиш плани оширилсин.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига иш турлари бўйича МТС ишлари учун тўланадиган натура ҳақининг янги ставкаларини СССР Госэкономкомиссияси ва СССР Молия министрлиги билан келишиб тасдиқлаш вазифаси топширилсин, токи бу ставкалар машина-трактор станцияларини ўзлари хизмат кўрсатаётган колхозларда пахта ҳосилдорлигини оширишга манфаатдор қиладиган бўлсин.

Суғориладиган деҳқончилик районларида колхозларга ва сувдан фойдаланувчи бошқа хўжаликларга экинларни, дарахтларни суғориш ва маиший эҳтиёжлар учун давлат суғориш системалари томонидан бериладиган сувга ҳақ олиш 1957 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

Белгиланиб қўйилсинки, суғоришнинг янги системасига ўтиш муносабати билан 1957 йилдан бошлаб колхозлар ичидаги суғориш шохобчаларини қайта қуриш ишлари МТСларнинг колхозлар билан тузган шартномалари асосида батамом, колхоз маблағлари ҳисобига МТСлар томонидан бажарилади, бу ишларни бажаришда сув хўжалиги органлари томонидан берилган техника ёрдами учун ҳақ олинмайди.

Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Қирғизистон ССР, Қозоғистон ССР, Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР Министрлар Советларига давлат суғориш системалари томонидан берилган сув учун колхозлар бўйнида 1956 йил 1 январгача қолиб келаётган қарзларни кечиб юбориш ҳуқуқи берилсин.

1957 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Озарбайжон ССР, Арманистон ССРнинг, Қирғизистон ССРдаги Ўш ва Жалолобод областларининг ҳамда Қозоғистон ССРдаги Жанубий Қозоғистон областининг пахтакор колхозларига ва совхозларига минерал ўғитлар СССР Министрлар Советининг 1955 йил 12 апрелдаги 690-сонли қарорида белгиланган улгуржи нархлар билан сотиладиган бўлсин.

СССР Енгил саноат министрлиги ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги зиммасига ушбу қарорга ва қишлоқ хўжалигини планлаштиришнинг янги тартибига мувофиқ пахтани контрактация қилиш шартномасига ўзгартишлар киритиб, уни бир ой муддат ичида тасдиқлаб бериш вазифаси юклансин.

СССР Енгил саноат министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Совхозлар министрлиги зиммасига пахтани контрактация қилиш шартлари ўзгарганлиги сабабли, даромадлар ва харажатларнинг балансларига доир расчётларни бир ой муддат ичида СССР Госэкономкомиссиясига ва СССР Молия министрлигига тақдим этиш вазифаси юклансин.

СССР Госэкономкомиссияси ва СССР Молия министрлиги мазкур расчётларни кўриб чиқсинлар ҳамда халқ хўжалик планига ва тегишли министрликларнинг даромадлар ва харажатлар балансига 1956 йил учун зарур ўзгартишларни киритсинлар.

СССР Енгил саноат министрлигига пахта толасига тўланадиган янги улгуржи нархларни бир ой муддат ичида ишлаб чиқиш ҳамда СССР Молия министрлиги ва Госэкономкомиссия билан келишиб, шу янги улгуржи нархларни жорий қилиш топширилди.

Совет спортининг янги ғалабалари сари!

СССР Халқлари спартакиадаси тугади

СССР Халқлари спартакиадаси тугади. Охирги натижалар ёзиб қўйилди, рекордлар жадвадига тузатишлар киритилди, олтин медаллар ва хрусталь кубокларга голибларнинг номлари ўйиб ёзиб қўйилди.

В. И. Ленин номидаги Марказий стадионда, Москванинг бошқа спорт иншоотларида мамлакатнинг ҳамма томонидан келган 9 мингдан кўпроқ физкультурачиларнинг мусобақалари ўн икки кун давом қилди.

Спартакиада спортчиларимизнинг маҳорати ошганлигини, физкультура ҳаракати кенг қулоч ёйганлигини, совет халқларининг бузилмас дўстлигини намойиш қилиб кўрсатди. Руслар ва украинлар, қозоқлар ва эстонлар, белоруслар ва карелларнинг кўп миллатли совет оиласининг ҳамма намояндалари Ватанимиз спортининг янги юксакликларига интилдилар.

СССР Халқлари спартакиадаси оммавий физкультура ҳаракатини янада ривожлантиришни ва спортчилик маҳоратини тағин ҳам оширишни таъминлайдиган кучли восита бўлди. Мусобақалар фақат бақувват, чидамли ва иродали спортчигина чемпион бўлиши мумкинлигини яққол кўрсатди.

Мамлакатимизда спортчи талантлар ўсмоқда. Номлари фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, шу билан бирга чет мамлакатларда ҳам маълум бўлган машҳур спорт мастерлари билан бир қаторда яқиндагина спорт соҳасига кирган, муваффақиятли ўқиш, ишлаш, илмий фаолият билан бир қаторда физкультура билан ҳам моҳирона шуғулланаётган кишилар ҳам спартакиадада қатнашиб, муваффақиятлар қозондилар. Ёш, талантли, мард спортчилар баъзи мастерларни орқада қолдириб кетдилар. Спорт кураши жуда қизғин бўлди, лекин бу курош ўз тажрибаларини бир-бири билан баҳам кўраётган, муваффақиятга эришишда бир-бирига ёрдамлашаётган дўстларнинг мусобақаси бўлди.

СССР Халқлари спартакиадасининг қатнашчилари ўнлаб бутуниттифоқ рекордларини, шу жумладан жаҳон муваффақиятларидан ҳам ошиб кетган рекордларни, республикаларнинг жуда кўп рекордларини қўйдилар.

...16 августда В. И. Ленин номидаги Марказий стадионнинг катта спорт майдонидаги трибуналари минг-минглаб томошабинлар билан лиқ тўлди. Улар енгил атлетикачилар ва футболчиларнинг охирги учрашувларини кўриш учун, спартакиада голибларини, янги чемпионларни ва рекордчиларни табриклаш учун келдилар.

СССР Халқлари спартакиадасининг ёпилишига бағишланган байрам кундуз соат бешда бошланди.

Спартакиаданинг якунловчи енгил атлетика мусобақалари ўтказилмоқда. 4x100 метрлик эстафета қатнашчилари югуришни бошлаб юбордилар. Маррага биринчи бўлиб москваликлар етиб келди. Москва эркаклар командаси маррага 40,9 секундда етиб, биринчиликни олди. Украина енгил атлетикачилари иккинчи ўринни (41 секунд), Ленинград командаси учинчи ўринни (41,6 секунд) олди.

Томошабинлар хотин-қиз спортчиларнинг 800 метрга югуришини қизиқиб томоша қилдилар. Совет хотин-қиз спортчилари бу масофага югуришдаги мусобақаларда жаҳонда энг кучлидирлар. Бу югуришда қатнашган ўн бир спортчи орасида жаҳон рекордчиси москвалик Н. Откаленко ва СССРнинг ўтган йилги чемпиони Л. Лисенко (Украина) ҳам бор.

Югуриш бошланиши биланоқ Д. Левицка (Латвия) олдинда борди. Лекин маррага тахминан 200 метр қолганда Л. Лисенко ва Н. Откаленко олдинга ўтиб олдилар. Лисенконинг кучи кўп эканлиги сезилиб турибди. У югуришни биринчи бўлиб тамомлаб, мамлакат чемпиони унвонини ўзида сақлаб қолди. Лисенко енгил атлетиканинг бутун тарихида жаҳонда иккинчи натижага эришди — 800 метрлик масофанинг маррасига 2 минуту 5,3 секундда етиб келди. Н. Откаленко иккинчи ўринни (2 минуту 6,8 секунд), Д. Левицка учинчи ўринни олди.

1500 метрлик масофага финал югуриш бошланди. Спортчилар анча жойгача гала бўлиб югуриб бордилар. Аммо, охирги юз метрда литвалик ёш спортчи И. Пипине олдинга ирғиб ўтди ва бу билан биринчи бўлиб маррага етди. У, бир ярим километрлик масофани 3 минуту 48,4 секундда югуриб ўтди. Иккинчи ўринни москвалик А. Валакин (3 минуту 49,2 секунд) олди.

Сўнгра, эркаклар командаларининг 4x400 метрлик эстафетаси бошланди. Ленинград спортчилари гоят чаққонлик билан чопмоқдалар. Уларнинг муваффақиятини А. Игнатьев охирги этапда мустаҳкамлади. У, маррага биринчи бўлиб етиб келди. Шу тарика Ленинград командаси эстафета маррасига 3 минуту 11,6 секундда етиб, биринчиликни олди. РСФСР терма командаси иккинчи ўринни, Украина енгил атлетикачилари учинчи ўринни олдилар.

Енгил атлетикачилар мусобақаси хотин-қизлар командаларининг 4x100 метрлик эстафетаси билан тугади. Москваликлар эстафета таёқчасини маррага биринчи бўлиб 46,1 секундда олиб келдилар. РСФСР терма командаси бу эстафетада иккинчи ўринни, Белоруссиянинг спортчи хотин-қизлари учинчи ўринни олдилар.

«Комсомольская правда» газетасининг қимматли мукофотлари бир группа талантли спортчиларга берилганлиги тўғрисидаги хабарни томошабинлар қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар. Энг яхши енгил атлетикачилардан Совет Армиясининг вакили С. Ржишчин ва ленинградлик Н. Виноградовалар мукофотландилар. «Спорт мастери нормасини биринчи бажарган энг ёш спортчига» деган мукофот 10- синфда ўқувчи украиналик Г. Андросовга топширилади. Бу йил у 1 августда 17 ёшга тўлди. Мукофотланган ёш рекордчилар орасида Эстониядан келган ўн тўққиз ёшлик сузувчи У. Воог деган қиз ҳам бор.

Марказий стадионда Спартакиаданинг футбол бўйича финал учрашуви ўтказилди. Москва ва Грузия командалари ўртасида бўлган бу ўйинда москваликлар 2:1 ҳисоби билан голиб чиқдилар.

СССР Министрлар Советининг мукофотларини топшириш маросими ва СССР Халқлари спартакиадасининг якунловчи паради ёмғир ёғиб турганлиги сабабли ўтказилмади.

17 августда М. Горький номидаги Марказий Маданият ва истироҳат паркининг Зелёний театрида Спартакиада қатнашчиларининг якунловчи кечаси бўлади ва Спартакиада голибларига СССР Министрлар Советининг мукофотлари топширилади.

СССР Халқлари спартакиадасининг Марказий стадионда ўтказилган якунловчи мусобақаларида Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Л. И. Брежнев ўртоқлар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Ҳиндистон Республикаси маданият ва санъат арбоблари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

Ўзбекистонга келган Ҳиндистон республикаси маданият ва санъат арбобларининг Ҳиндистон ташқи ишлар министрининг ўринбосари Анил Кумар Чанда бошчилигидаги делегацияси Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишишни давом эттирмоқда.

17 августда делегация аъзолари Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида бир неча соат бўлдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари азиз меҳмонларни самимий кутиб олдилар. Қишлоқ хўжалик артелининг раиси А. Матқобилов меҳмонларга артель хўжалигининг экономикаси ҳақида, ҳар йили пахтадан юқори ҳосил етиштираётган колхозчилар ва механизаторларнинг муваффақиятли ишлари ҳақида гапириб берди. Ўтган йили колхознинг даромади 23 миллион сўмдан кўпроқ бўлганлиги, бу йил эса ундан ҳам ортиқ бўлиши ҳақидаги маълумот делегация аъзоларида гоят катта таассурот қолдирди.

Қишлоқ хўжалик артелининг хўжалиги кўп километр жойга ёйилган бўлиб, унда уч минг гектар ер, олтита чорвачилик фермаси, боғлар бор. Ҳиндистонлик меҳмонлар пахта майдонларини, токзорларни жуда қизиқиб тамоша қилдилар, агротехника билан, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш билан қизиқдилар.

Сўнгра делегация аъзолари соя-салқин боққа жойлашган колхоз болалар боғчасига бордилар. Дўмбоқ, қип-қизил юзли болалар меҳмонларга ўз санъатларини кўрсатдилар — меҳмонларга қўшиқлар айтиб бердилар ва ўйинга тушдилар, шеърлар ўқиб бердилар. Ҳинд артистлари ҳам Ҳиндистон халқларининг рақс ва қўшиқларидан ижро этиб, болаларни хурсанд қилдилар.

Бир қанча колхозчиларнинг таклифи билан меҳмонлар уларнинг уйларига бордилар. Делегация аъзолари колхозчи Тўти Алимованинг уйида эсдалик учун уй эгаси билан чиройлик сўзана олдида суратга тушдилар.

Колхоз бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари билан делегация аъзоларининг учрашуви жуда таъсирли бўлди. Ҳаваскор артистлар ҳинд санъат усталари ҳузурида ўз муваффақиятларини намойиш қилиб, классик ва ҳозирги замон халқ рақслари ва қўшиқларини, Ўзбекистон композиторларининг асарларини ижро этдилар. Колхозчи Дилбар Абдуллаева ўзбек оммавий халқ ўйини «Тановор»ни ижро этганда гулдурос қарсаклар чалинди.

Соя-салқин боғнинг дам у ерида, дам бу ерида қизғин суҳбатлар бўлди. Ҳинд созандалари ўзбек халқ чолғу асбоблари билан, уларни чалиш техникаси билан танишдилар, колхозчиларга ҳинд халқининг рақс ва музика санъати намуналарини кўрсатдилар.

Ҳиндистоннинг тўрт ажойиб раққосаси —Митра Датт, Киран Маҳаджан, Ушана Арьянаякам ва Маниджула Даттларнинг ўйини ҳаммани қойил қолдирди. Улар Тошкентда бўлган қисқа вақт ичида ўзларининг янги ўйинларини — Навоий номидаги опера ва балет театри артистларининг ёрдами билан ўзбек халқ рақсларини ўрганиб олдилар. Улар бу ерда ҳозир бўлганларнинг илтимоси билан ўзларининг ана шу ўрганиб олган рақсларини колхоз халқ чолғу асбоблари оркестрининг жўр қилишида биринчи марта ижро этдилар.

«Қизил Ўзбекистон» қишлоқ хўжалик артели правлениеси меҳмонлар шарафига зиёфат берди. Зиёфат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Ҳиндистон делегациясининг аъзолари колхозда бўлган вақтларида олган таассуротларини ЎзТАГ мухбирига гапириб бердилар.

— Мен колхозни биринчи марта кўраяпман, — деди рақс мастери Раман Кутти. — Менинг бугун ҳамма кўрган ва билганларим менда кучли таассурот қолдирди. Ўзбек деҳқонлари жуда яхши уйларда яшашмоқда. Уларнинг экинзорлари, боғлари ва токзорлари аъло даражададир. Энг асосийси шуки, Ўзбек халқининг биз, Ҳиндистон вакилларига нисбатан бўлган бу муносабати мени ва менинг ўртоқларимни жуда ҳам севинтирди. Биз ҳамма ерда бизга бахт-саодат тилаётган дўстларимизнинг табассумини кўрдик. Буни асло унутиб бўлмайди!

Делегациянинг бошқа аъзоси — созанда Чоудри Раман Кутти айтган сўзларга якун ясагандек бўлиб рус тилида «Очинь хорошо!» («Жуда яхши!») деб қўшимча қилди.

Ҳиндистон республикаси маданият ва санъат арбоблари делегациясининг аъзолари Анил Кумар Чанда жаноблари бошчилигида кечқурун Навоий номидаги ўзбек давлат опера ва балет театрида бўлган катта концертда ҳозир бўлдилар. Томошабинлар азиз меҳмонлар залга кириб келганида уларни самимий табрикладилар.

Концертда СССР Иттифоқи халқ артисткаси Ҳ. Носирова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари М. Турғунбоева, С. Раҳимова, К. Зокиров, М. Гофуров, Ўзбекистон халқ ҳофизи М. Узоқов, республикада хизмат кўрсатган артистлар С. Қобилова, Г. Маваева, С. Ярашев ва ўзбек саҳнасининг бошқа мастерлари қатнашди. Залда тўпланганлар ҳинд қўшиғини ижро этган Ҳалима Носирова ва Саодат Қобиловани ҳамда ҳинд рақсини ижро этган Мукаррама Турғунбоевани узоқ қарсаклар билан олқишладилар.

Ҳиндистон республикаси маданият ва санъат арбоблари делегациясининг аъзолари жуда яхши концерт қўйиб берганликлари учун Ўзбекистон артистларига қизғин миннатдорчилик билдирдилар ва уларга гуллар тақдим қилдилар. (ЎзТАГ).

* *

Ҳиндистон республикаси маданият ва санъат арбоблари делегациясининг Тошкентда бўлиши. **Суратларда:** (чапдан). 1. Меҳмонлар Ўзбекистон ССР санъат музейидаги хотира дафтарига ўз таассуротларини ёзмоқдалар. 2. Ўзбекистон ССР халқ артисткаси **Мукаррама Турғунбоева** ҳиндистонлик меҳмонлар билан суҳбатлашмоқда.

Б. Мазур ва Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Украина ССР Кўмир саноати министрлигида кенгаш

СТАЛИНО, 16 август. (ТАСС). Бугун бу ерда Украина ССР Кўмир саноати министрлиги, Украина ССР Кўмир саноати корхоналари қуриш министрлиги раҳбар ходимларининг, Сталино ва Ворошиловград областлари ва Сталино шаҳри партия ташкилотлари раҳбарларининг кенгаши бўлди. Кўмир саноати ишларини яхшилаш, Донбасда шаҳталар қурилишини жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришнинг шу тармоқларига қарашли корхоналарда партия ишларини кучайтириш тадбирлари муҳокама қилинди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев, Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. И. Кириченко, СССР Кўмир саноати министри ўртоқ А. Н. Задемидко, СССР кўмир саноати корхоналари қуриш министри ўртоқ Л. Г. Мельников, Украина ССР кўмир саноати министри ўртоқ А. Ф. Засядько, Украина ССР кўмир саноати корхоналари қуриш министри ўртоқ Г. Б. Красниковский, Сталино область партия комитетининг секретари ўртоқ И. П. Казанец, Ворошиловград область партия комитетининг секретари ўртоқ В. К. Клименко қатнашдилар.

* * *

Кундузи ўртоқ Н. С. Хрушчев ва ўртоқ А. И. Кириченко Украина комсомолининг 15 йиллиги номидаги кон машинасозлиги заводига бордилар. Улар цехларда бўлдилар, корхона ишчилари, мастерлари, инженерлари, хизматчилари билан суҳбатлашдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев завод майдонида тўпланган кишиларга қарата нутқ сўзлаб, кўмир саноати учун ускуналар ясаб бераётган завод коллективини қизғин табриклади ва коллективга Ватан бахт-саодати йўлида қилаётган меҳнатида бундан буён ҳам муваффақиятлар қозонишини тилади.

Сўнгра, ўртоқ Н. С. Хрушчев, ўртоқ А. И. Кириченко ва Министрлар Донец кўмир шаҳталарини комплекс механизациялаш институтининг (Донутлемаш) кўргазма майдонида бўлдилар. Бу ерда улар бир неча соат айланиб юриб, Донец кўмир ҳавзасида ишлатилаётган кончилик техникасининг намуналарини кўздан кечирдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев кўмир саноати учун янги техника яратиб беришда Донец конструкторларига муваффақиятлар тилади. (ТАСС).

Индонезия республикасининг 11 йиллиги

Бундан ўн бир йил муқаддам, 1945 йил 17 августда Индонезия халқи ўз мамлакатини мустақил деб эълон қилди. Совет пайтахти жамоатчилиги бу муҳим кунни тантанали суратда нишонлади. 16 августда Вахтангов номидаги театрда Москва жамоат арбоблари, олимлар, санъат усталари, ёзувчилар, студентлар, ишчилар тўпландилар.

СССР Маданият министри Н. А. Михайлов «Совет Иттифоқи билан Индонезия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик учун» деган темада доклад қилди.

Докладчи Индонезия ҳукуматининг қўлга киритилган мустақилликни ҳимоя қилиш, мамлакат экономикасини ва маданиятини ривожлантириш соҳасидаги фаолиятига тўхталди.

Йиғилишда Индонезия республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Палар жаноблари нутқ сўзлади. Йиғилиш қатнашчилари уни самимий кутиб олдилар. У индонез халқининг миллий байрамига бағишланган йиғилиш қатнашчиларига чуқур ташаккур изҳор қилди. Элчи ўз нутқини Совет Иттифоқи халқлари шарафига табрик сўзлари айтиб тамомлади. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилини пухта тайёргарлик билан кутиб олайлик

Кадрларга марксизм-ленинизм назариясини ўргатиш уларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Партия ташкилотларида идеология ишларини яхши йўлга қўйиш кўп жиҳатдан идеология ишларининг савиясига боғлиқдир. Шаҳсга сиғиниш ва унинг оқибатларини тўла бартараф қилиш вазифаси қўйилган ҳозирги шароитда коммунистларни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам партиямиз Марказий Комитети партия ташкилотлари олдига барча коммунистларни марксча-ленинча ўқишга жалб этиш, уларни партия сиёсатини амалга оширишда ўз ишларини назарда тутиб, область партия ташкилотлари кадрларга иқтисодий билимларни ўргатишни кенг ташкил этишлар.

Экономика масалаларини ўрганиш ҳамда илғорларнинг тажрибаси билан танишиш колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, бошланғич партия ташкилотларининг секретарларига ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имкон берадиган ички резервларни қидириб топиш, маҳсулот етиштиришга қилинадиган харажатларни камайтириш ва хўжаликдан олинадиган даромадни кўпайтириш йўлларини билиб олиш имконини берди.

Коммунист ва партиясиз ишчиларни марксизм-ленинизм назарияси, КПСС XX съездининг қарорлари ҳамда материаллари, саноат ва қишлоқ хўжалик экономикаси билимлари билан қуроллантиришда лекция пропагандаси катта роль ўйнади.

Ўз сиёсий билимларини ошириш устида мустақил ишлаётган кишиларга марксча-ленинча назариянинг турли масалалари, саноат ҳамда қишлоқ хўжалик экономикаси юзасидан лекциялар уюштириш бирмунча қучайтирилди. Лекция пропагандасида КПСС XX съезднинг қарорлари ва материалларига қатта ўрин берилди.

Аммо ўтган ўқиш йилида, КПСС XX съезди қарорларида кўрсатилганидек, партия пропагандаси соҳасида жуда катта камчиликлар юз берди. Пропаганда ишларининг юқори малакали мастерлари бўлиб етишдилар.

Лекин бу ҳам ҳали ишнинг ҳаммаси эмас. Совет замонамизнинг ёшлари эришилган ютуқлар билан ҳотиржамликка тушиб қолмайдилар. Улар тобора кўпроқ нарсани билиб олишга, ўз маҳоратларини тинмай такомиллаштиришга интиладилар. Зотан, социалистик ишлаб чиқариш тараққиётининг қонунлари ҳам шуни талаб қилади. Ўз малакаларини тинмай оширишлари ҳамда махсус олий маълумот олишлари учун ишлаб чиқаришдаги ёшларимиз олдида барча йўллар кенг очиб қўйилган. Фабрикалар ва заводлар қошида турли малака ошириш курслари, техникумлар, махсус техника олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимлари ишлаб турибди; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш соҳасида ҳам ана шундай ўқув юртлари тармоқлари ишлаб турибди. Ўрта мактабларни тамомлаб, ишлаб чиқаришга келган ва ўз маълумотларини оширишни истаган йигит ва қизлар курсларга, кечки ва сиртқи олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттирмоқдалар, ўзлари севиб қолган касбларининг юқори малакали мутахассислари бўлиб етишмоқдалар.

Биз юқорида айтиб ўтган ва ҳозир колхозда ишлаётган Нуриддин Раҳимов бир ўртоғи унга шаҳарга бориб, институтга киришга ҳаракат қилиб кўришни маслаҳат берганида, бундай деб жавоб берди:

— «Йўқ, қўятур, ўртоқ. Институтда ўқиш қочиб кетмайди. Колхозда ишлаб, нимага кўпроқ иштиёқим зўрлигини яхши билиб олай, кейин сиртқи институтга ариза бераман».

Нуриддиннинг бу гапи жуда тўғри. Ишлаб чиқаришда ишлаш ёшларимизга яна бир муҳим билимни беради, яъни улар ўзларини яхшироқ «таниб» оладилар, ўз қобилиятларини, қизиқишларини, мойилликларини пухта билиб оладилар.

Ишлаб чиқаришда бир неча йил ишлаган инженер, агроном, техник заводда ҳам, МТСда ҳам, колхозда ҳам энг яхши мутахассис ва ҳурматли киши ҳисобланади. «Красное Сормово» заводининг слесари Олег Гребнев шу фикрни жуда тўғри ифодалаб берди. Олег заводда мастер бўлиб ишлаётган ўз отаси йўлидан боришни болалик чоғиданоқ орзу қилиб юрарди. У 1953 йилда ўрта мактабни тамомлагач, ўз орзусини рўёбга чиқариш мақсадида ишлаб чиқаришга киради ва слесарь бўлиб етишади. Олег айни вақтда политехника институтининг сиртқи бўлимига кемасозлик мутахассислиги бўйича ўқишга киради. Ҳозир у тўртинчи курсда ўқимоқда. «Менинг кўпдан қилиб келган орзум амалга ошмоқда, — дейди Олег, — мен кемасоз инженер бўлиб чиқаман. Энди мен ўрта мактабларни тамомлаш биланоқ олий ўқув юртига ўқишга келган ва уни тугатиб чиқадиган ўртоқларимдан кўра кўпроқ афзалликларга эга бўламан. Бу афзалликларнинг энг муҳими шу бўладики, мен институтни тамомлаб чиққанимдан сўнг ишлаб чиқариш билан, кемасозликнинг техникаси ва технологияси билан бошқа тенгқурларим сингари биринчи марта танишиб ўтирмайман. Ўзим заводда ишлаган уч йил ичида бу нарсалар менга жуда таниш ва қадрдон бўлиб қолган».

Ўз ҳаёт йўлини танлаб олишни ўйлаб турган ёшларимиз яна бир нарсани билиб қўйишлари керак. Олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилиш қоидаларида бундай дейилган: олий ўқув юртига киришдан олдин ишлаб чиқаришда 2-3 йил ишлаган киши ўрта мактабни тамомлаш биланоқ ўқишга кираётган кишиларга қараганда қабул вақтида анча имтиёз олади.

Шундай қилингани ҳам жуда тўғри. Аввало, бундай киши давлатга фойдали теккан кишидир, ундан кейин, бундай киши институтда ўқиганида ҳам жуда яхши ўқийди. Бундай киши масъулиятни ҳам чуқурроқ ҳис қилади, тартиб ва интизомга ҳаммадан кўпроқ риоя қилади, ҳаммадан кучлироқ иродали ва мустаҳкамроқ характерли бўлади. Бундай кишиларнинг ана шундай ажойиб фазилатлари улар ишлаб чиқаришда ишчилар ва колхозчилар билан биргаликда меҳнат қилган вақтда вужудга келган ва тобланган. Бундай кишилар ўзлари нимага қодир эканликларини ва нимага иштиёқлари зўрлигини жуда яхши биладилар, барча совет ёшларининг олий маълумот олишдек ажойиб ҳуқуқларини улар жуда яхши билиб қадрлайдилар.

Ленинграддаги 395-ўрта мактабни тамомлаб чиққан Игорь Белшков бундай дейди: «қўлимда деярли нуқул аъло баҳолик аттестатим билан институтга кирсам ҳам бўларди. Лекин мен турмуш йўлимни тўғри танлаб олишим учун олдин ишлаб кўришим керак, деб ўйлайман. Қандай яшаш кераклигини билиб олиш учун ҳаётни тушуниб олиш керак, ҳаётни меҳнатда тушуниб олиш мумкин». Игорь худди шу турмуш мактабини танлаб олди — у Олтойдаги қурилишларга бориб ишлашга аҳд қилди.

Кўп минглаб ўт юракли ёшларимиз, шулар жумласидан Шомурод Эшхўжаев, Олег Гребнев, Нуриддин Раҳимов, Лиля Сидорова ва Латиповалар танлаб олган йўл улуғ халқимиз бахт-саодати учун фидокорона меҳнат қилиш ва порлоқ ғалабаларга эришиш йўлидир. Бу йўл шонли совет ёшларининг куч-ғайратига, ақл-идрокига, гўзал маънавий фазилатларига жуда мойанд йўлдир. Ўзлари танлаб олган бу турли-туман йўллар энг юксак ва олижаноб мақсадга — севикли Совет Ватанига энг кўп хизмат қилишга олиб борадиган йўллар эканлигини бу ёшлар яхши биладилар. Уларнинг сўзлари билан ишлари бирдир. Коммунистик партия, Ленин комсомоли, совет мактаби уларни ана шундай этиб ўстирди, камолга етказди.

Сизларга оқ йўл тилаймиз, азиз дўстлар, дегимиз келади. Ажойиб ҳаётимизнинг ижодий ишлар ва ғалабаларга тўлган кенг йўлидан дадил олга бораверингиз. Ўрта мактабларни тамомлаб чиқадиган ёшларимизнинг янгидан-янги отрядлари ҳар вақт сизга эргашиб боради. Ишлаб чиқаришда ишлаш ўз ўқишини давом эттиришга тўсқинлик қилмаслигини бу ёшлар сизларнинг тажрибангиздан яққол кўриб турибди. Зўр истак бўлмоғи керак. Шонли совет саркардаси Котовский: «Истак билдирганинг — удда қилганинг», дейишни кўп яхши кўрарди.

Бизнинг совет замонамиз шундай замонаки, истак бўлса, ҳамма эзгу мақсадларингга эришасан. Бунинг учун сенда ирода, орзу ва ишонч бўлсин!

И. КРАСНОБАЕВ,
педагогика фанлари кандидати.

«Средазуглегеология» трестининг Оҳангарон геолого разведка партияси Оҳангарон массивидаги кўмирларни қидириш ишларини изчиллик билан олиб бормоқда. Бу коллектив Ўпартоғ участкасини мукаммал разведка қилиб бўлди. Шу кунларда массивнинг шимолий қисмини разведка қилиш давом этмоқда. **Суратда:** разведка ишлари геологи **А. Носиков** (чапда) ва ковловчи мастер **Н. Авсяников** ўртоқлар.

Лейзирович фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Қисқа сатрларда

* Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхозда ёшларнинг Бутуниттифоқ фестивалига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. 25 кишидан иборат колхоз музика тўгараги қатнашчилари фестивалда ижро этилиши зарур бўлган ашула ва рақсларни ўрганмоқдалар.

С. Усмонхўжаев.

* Яқинда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг бир группа артистлари Чиноз районидаги Ленин номли, «Қизил Октябрь» колхозларида бўлиб, район меҳнаткашларига концерт қўйиб бердилар.

З. Усмонқулов.

* Оққўрғон районидаги Сталин номли колхозда қурилиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу йил колхозда 500 киши сиғадиган клуб, қишлоқ совети учун бино, колхозчилар учун 10 та уй-жой бинолари, шунингдек молхона, чўчқахона қуриш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу қурилишлар 7 ноябргача битказилиб, фойдаланишга топширилади.

У. Мусоқов.

* Яқинда Бўстонлиқ район марказида уч хонали янги магазин биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу магазинда саноат ва озиқ-овқат моллари сотилмоқда. Бу эса район меҳнаткашларига анча қулайлик яратди.

Р. Қўчқоров.

* Верхне-волинск районидаги «Победа» колхозида артезиан қудуғи қурилиб, ишга туширилди. Бу қудуқдан колхозчилар уйига ва жамоат биноларига сув қувирлари ўрнатилди. Шунингдек М. Горький номли, К. Маркс номли колхозларда ҳам артезиан қудуқлари қурилди.

С. Даулбоев.

* Янгийўл районидаги Ленин номли колхозда бичув-тикув тўгараги ташкил этилди. Ҳозир колхозчи хотин-қизлардан А. Абдурафиқова, М. Карамова, Қ. Қосимова каби тўгарак қатнашчилари эркак ва аёл, болалар кийимларини бичиш-тикишни ўрганиб олдилар. Тўгарак машғулотларига 75 хотин-қиз қатнашмоқда.

Д. Содиқов.

Рационализатор ва ихтирочилар ҳаракатини кенг қулоч ёйдирайлик

Чирчиқ электрохимия комбинатининг кўп сонли коллективи социалистик қишлоқ хўжалиги учун тобора кўпроқ минерал ўғитлар ишлаб чиқариш мақсадида астойдил ишламоқда. Корхонанинг цех ва участкаларида олтинчи беш йиллиқнинг биринчи йили — 1956 йил топшириғини муддатидан илгари бажариш учун бошланган кураш тобора кенг қулоч ёйиҳоқда.

Коллектив мавжуд ишлаб чиқариш резервларидан тўла ҳамда унумли фойдаланиш ва шу асосда корхонанинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини янада яхшилашни таъминлаш учун кўпгина янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этаётир. Ишчилар, инженер-техник ходимлар мамлакатимиз химия саноатида яратилаётган янгиликларни ўрганиш ва уларни ўз шароитларига мослаб жорий этишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар мавжуд асбоб-ускуналарни ҳамда технология процессларини ҳар тарафлама ва чуқур ўрганиш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон берувчи янгидан-янги резервларни қидириб топмоқдалар, ишлаб чиқаришнинг янада мукаммал, янги технологиясини яратмоқдалар.

Давлат планларини барча кўрсаткичлар бўйича тўла ва ошириб бажариш учун бошланган курашда корхона рационализаторлари ва ихтирочилари олдинги сафда бораётирлар. Комбинат рационализаторлик ва ихтирочилик бюросига шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида ишчилар ҳамда инженер-техник ходимлардан 1500 дан ортиқ таклиф тушди. Бу таклифларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришга, технология процессларини янада такомиллаштириш, ҳомашё, электр қуввати ҳамда бошқа материалларни иқтисод қилиш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилгандир. Ҳозиргача бу таклифлардан 1000 дан ортиғи амалга оширилди. Бу таклифлар йилига 2 миллион сўмлик маблағни тежаб қолиш имконини беради.

Ишлаб чиқаришга жорий этилган таклифлар ичида мамлакатимиз химия саноати учун гоят катта аҳамиятга эга бўлган таклифлар ҳам бор. Комбинат инженерларидан Жуманов ва Ломанцов ўртоқларнинг таклифлари шулар жумласидандир. Бу янгилик изловчилар кристализатор қозонидаги эритмани механик йўл билан алмаштириш технологиясини ишлаб чиқдилар. Бу янги усул мамлакатимиз химия саноатида биринчи бўлиб Чирчиқ электрохимия комбинатида қўлланилди. У тўрт аппаратчини бошқа ишга ўтказиш ва тайёрланаётган маҳсулот сифатини кескин суратда яхшилаш имконини берди.

Рационализаторлар ва ихтирочилар ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу соҳада ўртоқ Соколовский раҳбарлигидаги бир группа рационализаторларнинг иши алоҳида диққатга сазовордир. Контроль-ўлчов приборлари цехининг ўртоқ Соколовский бошлиқ бир группа ходимлари газогенераторлар цехининг ишлаб чиқариш илғорлари билан ҳамкорликда ишлаб, утилизатор-қозонлар ва деаэратор бакларини автоматлаштирдилар. Натижада технология процесси такомиллашди ва илғорлари шу иш процессларида банд бўлган 8 аппаратчини бошқа ишга ўтказиш мумкин бўлди.

Энг муҳим масалаларни ҳал қилишда комбинатда ташкил этилган комплекс бригадалар айниқса катта роль ўйнамоқда. Бундай бригадалар составида инженер-техник ходимлар билан биргаликда ишлаб чиқариш илғорлари ҳам бор. Улар асосан кўп меҳнат талаб этадиган процессларни механизациялаш ва автоматлаштириш масалалари билан шуғулланмоқдалар.

Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, комбинатда рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракатини янада кенг қулоч ёйдириб юборишга тўсқинлик қилаётган жиддий камчиликлар бор. Тушаётган таклифлар, шунингдек амалга оширилаётган таклифлар сони комбинат коллективининг сонига нисбатан ҳали жуда оз. Кўпгина ишлаб чиқилган таклифлар амалга оширилмай қолиб кетмоқда.

Айниқса газогенератор, аммиак ишлаб чиқариш, ТЭЦ ва бошқа цехларда коллективдан тушган таклифларни ўз вақтида кўрим ва уларни амалга ошириш қониқарсиз аҳвозда. Бу цехларнинг раҳбарлари ишлаб чиқаришни рационализациялаш масалалари билан қониқарсиз шуғулланмоқдалар. Айниқса комбинат капитал қурилиш бошқармасида бу соҳадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бошқарма раҳбарлари (бош инженери С. Корко, партия ташкилотининг секретари Ивлев ўртоқлар) кўпгина таклифларнинг амалга ошмай қолиб кетаётганлигига бефарқ қараб келмоқдалар. Шунинг натижасида ишчиларда рационализаторликка бўлган ҳавас сезилари даражада пасайиб кетмоқда, улардан тушаётган таклифлар сони камаймоқда. 700 дан ортиқ ишчига эга бўлган бу бошқармада шу йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида тушган таклифлар сони 50 га етмади. Шулардан атиги 19 таси амалга оширилган. Бошқарма раҳбарлари рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришга мутлақо эътибор бермаётганликлари учун турли хил йиғилишларда қаттиқ танқид қилинди. Бироқ шундан сўнг ҳам бу соҳада жиддий ўзгариш бўлмаётир.

Шу йил июнь ойида комбинат рационализаторларининг слёти бўлди. Слётда мавжуд камчиликларни тугатиш йўллари белгилаб чиқилди. Жумладан, қабул қилинган таклифларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлаштириш мақсадида шу масалалар билан шуғулланадиган 2-3 кишидан иборат махсус бригадалар тузиш кўзда тутилди. Афсуски, орадан кўп вақт ўтганига қарамай, бундай бригадалар ҳалигача ташкил қилингани йўқ.

Комбинат раҳбарлари мавжуд резервлардан максимал даражада фойдаланиш учун астойдил ҳаракат қилаётган коллективнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаши, янгиликларнинг қисқа муддат ичида кенг жорий қилинишини таъминлаши керак.

И. САТТОРОВ.

Маҳсулот ишлаб чиқариш янада ортади

Янгийўл гўшт комбинатининг коллективи йил бошидан бери ишлаб чиқариш планини ортиғи билан бажариб келмоқда. Комбинат ишчилари II-квартал топширигини муддатидан олдин бажариб, Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлдилар.

Июнь ойи ишлаб чиқариш плани муддатидан 7 кун олдин бажарилди ва давлатга 234 тонна гўшт ҳамда гўшт маҳсулотлари топширилди. Шу муддат ичида маҳсулот таннархи 4,6 процент камайди. Сўйиш цехида янги механизмлар ўрнатилди. Бу— меҳнат унумдорлигини 50 процент оширди. Ичак тозалаш цехида ҳам янги машина ўрнатилиб, қўл меҳнати анча енгиллаштирилди.

Тери тузлаш цехининг ишчиси ўртоқ Асанов, саллоҳлардан Закиряев ва Раупов, компрессор установкасининг машинисти Чумаков ўртоқлар фидокорона меҳнатлари учун СССР Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати министрлигининг «Социалистик мусобақа ғолиби» деган значоги билан мукофотландилар.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

Ишларимиз ўқимишли ва меҳнатсевар бўлиб ўссинлар

Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва бутун халқимиз ёшлар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Ёшларимиз соғлом ва бақувват, руҳан тетик ва жасур бўлиб улғайишлари, коммунизмнинг моҳир бинокорлари бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Бутун халқимиз ёшлар тўғрисида қилаётган буюк ғамхўрлик партиямиз шонли XX съезднинг қарорларида ҳам ўз ёрқин ифодасини топди. Съезд олтинчи беш йиллик мобайнида бутун мамлакатимизда тўлиқ ўрта маълумотни асосан амалга оширишни маданий қурилишимиз соҳасидаги энг муҳим вазифа қилиб қўйди. Ўрта мактабларда ёшларимизнинг кенг назарий билимларни эгаллаб олишларидан ташқари, уларнинг меҳнат малакаси олган ёш гражданлар бўлиб етишишларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бунга политехника ўқувини янада анча ривожлантириш, ўқув-ўқитув ишларини иқтисодий фойдали меҳнат билан янада кўпроқ даражада қўшиш, ўқувчиларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш йўли билан эришилади. Турмуш шуни талаб қилмоқда.

Маълумки, олий ўқув юртлари ўрта мактабларни тамомлаб чиққан йигит ва қизларнинг ҳаммасини қабул қила олмайди. Бу ёшларнинг кўпчилиги етуклик аттестати олгач, бевосита ишлаб чиқаришга бориб ишлайди.

Ёшларимиз ўзлари ўрта мактабда олган назарий билимлари ва малакаларини социалистик ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг равишда қўллай оладилар. Бу соҳалар бизнинг мамлакатимизда битмас-туганмас, турли-туман ва серҳосилдир.

Меҳнатни моддий ва маънавий бойликларнинг манбаи деб билган ҳамда ана шу руҳда тарбия олиб ўсган йигит ва қизлар коммунистик жамият барпо этаётган совет ишчилари, деҳқонлари—барча меҳнаткашлар сафига ҳар йили минг-минглаб келиб қўшилмоқда. Улар кекса ва тажрибакор кишилар ёрдамида тез орада ишлаб чиқариш илғорлари, юксак малакали ходимлар бўлиб етишмоқдалар, ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини шу тариқа тўла қондирмоқдалар.

«Шомурод Эшхўжаев бизнинг заводга ўтган йили ишга келган эди, — дейди «Ташкенткабель» заводининг директори ўртоқ К. Сафонов. — У ўрта маълумот олгач, малакали ишчи бўлишга аҳд қилган. Шомурод аввал слесарь бўлиб ишлади, энди у яна ҳам юқорироқ малака талаб қиладиган иш участкасига ўтказилди. Лиля Сидорова ҳам ўтган йил ўрта мактабни тамомлаб, заводимизга ишга келган эди. Ҳозир у янги ўрнатилган серуним машинада муваффақият билан бош изоляциячи бўлиб ишламоқда». Ўртоқ Сафонов ҳозир заводда 22 миллат фарзандлари меҳнат қилаётганлигини мароқ билан ҳикоя қилади. «Уларнинг ҳар бири, — дейди директор, — коммунизм қуришдек буюк ишда актив қатнашаётганлигидан ўзини беҳад бахтиёр деб билади». Латипова, Амирова, Романов, Қодиров, Батилев, Котельников, Мусинов ва бошқа бир қанча йигит ва қизлар ўрта мактабни тамомлагач, Чирчиқ шаҳридаги корхоналарга ишга келдилар. Ҳозир улар ишлаб чиқариш илғорлари бўлиб етишдилар. Уларнинг бирлари моҳир химиклар бўлиб етишган бўлса, яна бирлари уста машинасозлар бўлиб етишди.

Нуриддин Раҳимов Верхне-волинск районидаги Сталин номли 1-мактабни тамомлади. Отаси олий ўқув юртига ўқишга беришга қарор қилганлигига қарамай, Нуриддин ўз қишлоғидаги колхозда қолиб ишлашга аҳд қилди. У мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ ўқишдан ажралмаган ҳолда шоферлар тайёрлаш курсини тамомлаб чиқди ҳамда учинчи классли шофер ҳуқуқига эга бўлди.

Киш бўлиб етишиш, қандай касб эгаси бўлиш, қайноқ социалистик ҳаётимиз қучоғидан ўз монанд ўрнини топиб олиш ва севикли Ватан бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилиш учун қайси йўлдан бориш кераклигини кўпчилик ёшларимиз ана шундай оқилона ҳал этмоқдалар.

Қудратли социалистик саноатимиз илмий асосда, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида ривожланмоқда. У энг мукаммал ҳозирги замон техникаси ва ускуналари билан тўла таъминлангандир. Бу техникани ва мураккаб ишлаб чиқариш технологиясини пухта эгаллаб олиш чуқур назарий билимларни ва анча мукаммал малакани талаб қилади.

Мамлакатимиздаги минг-минглаб колхозлар ва совхозлар тез суръатлар билан юксак даражада механизациялашган ва электрлашган кўп тармоқли хўжаликларга айланиб бормоқда. Улар ўқимишли ва юқори малакали ходимларни тобора кўпроқ талаб қилмоқда. Владимир Ильич Ленин 1920 йил октябрда комсомол III съезди қатнашчиларига қарата сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Электрлаш ишига саводсиз кишиларнинг яроқсизлигини сиз жуда яхши биласиз ва бунда фақат оддий саводли бўлиш ҳам камлик қилади. Бунда электрнинг нима эканлигини билишгина кифоя қилмайди; уни ҳам саноатга, ҳам деҳқончиликка ва саноат билан деҳқончиликнинг айрим тармоқларига техника нуқтаи назаридан қандай қилиб татбиқ қилиш йўлини ҳам билмоқ керак. Буни ўзимиз ўрганишимиз керак, бунга ўсиб келаётган бутун меҳнаткаш авлодни ўргатиш керак». (Асарлар, 31 том, 297 бет.)

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ёшларимиздан назарий билимларни пухта эгаллаб олишни ва техникадан хабардор бўлишни талаб этиши билангина иш битмайди. Ёшлар шу билан бирга, ишлаб чиқаришда жуда кўп нарсани ўрганиб оладилар. Улар янги, мукаммал машиналарни эгаллаб оладилар, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги юксак технологиясини билиб оладилар, амалий вазифаларнигина эмас, шу билан бирга, назарий масалаларни ҳам ҳал қилишни ўрганадилар, ўз ишларининг юқори малакали мастерлари бўлиб етишадилар.

Лекин бу ҳам ҳали ишнинг ҳаммаси эмас. Совет замонамизнинг ёшлари эришилган ютуқлар билан ҳотиржамликка тушиб қолмайдилар. Улар тобора кўпроқ нарсани билиб олишга, ўз маҳоратларини тинмай такомиллаштиришга интиладилар. Зотан, социалистик ишлаб чиқариш тараққиётининг қонунлари ҳам шуни талаб қилади. Ўз малакаларини тинмай оширишлари ҳамда махсус олий маълумот олишлари учун ишлаб чиқаришдаги ёшларимиз олдида барча йўллар кенг очиб қўйилган. Фабрикалар ва заводлар қошида турли малака ошириш курслари, техникумлар, махсус техника олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимлари ишлаб турибди; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш соҳасида ҳам ана шундай ўқув юртлари тармоқлари ишлаб турибди. Ўрта мактабларни тамомлаб, ишлаб чиқаришга келган ва ўз маълумотларини оширишни истаган йигит ва қизлар курсларга, кечки ва сиртқи олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттирмоқдалар, ўзлари севиб қолган касбларининг юқори малакали мутахассислари бўлиб етишмоқдалар.

Биз юқорида айтиб ўтган ва ҳозир колхозда ишлаётган Нуриддин Раҳимов бир ўртоғи унга шаҳарга бориб, институтга киришга ҳаракат қилиб кўришни маслаҳат берганида, бундай деб жавоб берди:

— «Йўқ, қўятур, ўртоқ. Институтда ўқиш қочиб кетмайди. Колхозда ишлаб, нимага кўпроқ иштиёқим зўрлигини яхши билиб олай, кейин сиртқи институтга ариза бераман».

Нуриддиннинг бу гапи жуда тўғри. Ишлаб чиқаришда ишлаш ёшларимизга яна бир муҳим билимни беради, яъни улар ўзларини яхшироқ «таниб» оладилар, ўз қобилиятларини, қизиқишларини, мойилликларини пухта билиб оладилар.

Ишлаб чиқаришда бир неча йил ишлаган инженер, агроном, техник заводда ҳам, МТСда ҳам, колхозда ҳам энг яхши мутахассис ва ҳурматли киши ҳисобланади. «Красное Сормово» заводининг слесари Олег Гребнев шу фикрни жуда тўғри ифодалаб берди. Олег заводда мастер бўлиб ишлаётган ўз отаси йўлидан боришни болалик чоғиданоқ орзу қилиб юрарди. У 1953 йилда ўрта мактабни тамомлагач, ўз орзусини рўёбга чиқариш мақсадида ишлаб чиқаришга киради ва слесарь бўлиб етишади. Олег айни вақтда политехника институтининг сиртқи бўлимига кемасозлик мутахассислиги бўйича ўқишга киради. Ҳозир у тўртинчи курсда ўқимоқда. «Менинг кўпдан қилиб келган орзум амалга ошмоқда, — дейди Олег, — мен кемасоз инженер бўлиб чиқаман. Энди мен ўрта мактабларни тамомлаш биланоқ олий ўқув юртига ўқишга келган ва уни тугатиб чиқадиган ўртоқларимдан кўра кўпроқ афзалликларга эга бўламан. Бу афзалликларнинг энг муҳими шу бўладики, мен институтни тамомлаб чиққанимдан сўнг ишлаб чиқариш билан, кемасозликнинг техникаси ва технологияси билан бошқа тенгқурларим сингари биринчи марта танишиб ўтирмайман. Ўзим заводда ишлаган уч йил ичида бу нарсалар менга жуда таниш ва қадрдон бўлиб қолган».

Ўз ҳаёт йўлини танлаб олишни ўйлаб турган ёшларимиз яна бир нарсани билиб қўйишлари керак. Олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилиш қоидаларида бундай дейилган: олий ўқув юртига киришдан олдин ишлаб чиқаришда 2-3 йил ишлаган киши ўрта мактабни тамомлаш биланоқ ўқишга кираётган кишиларга қараганда қабул вақтида анча имтиёз олади.

Шундай қилингани ҳам жуда тўғри. Аввало, бундай киши давлатга фойдали теккан кишидир, ундан кейин, бундай киши институтда ўқиганида ҳам жуда яхши ўқийди. Бундай киши масъулиятни ҳам чуқурроқ ҳис қилади, тартиб ва интизомга ҳаммадан кўпроқ риоя қилади, ҳаммадан кучлироқ иродали ва мустаҳкамроқ характерли бўлади. Бундай кишиларнинг ана шундай ажойиб фазилатлари улар ишлаб чиқаришда ишчилар ва колхозчилар билан биргаликда меҳнат қилган вақтда вужудга келган ва тобланган. Бундай кишилар ўзлари нимага қодир эканликларини ва нимага иштиёқлари зўрлигини жуда яхши биладилар, барча совет ёшларининг олий маълумот олишдек ажойиб ҳуқуқларини улар жуда яхши билиб қадрлайдилар.

Ленинграддаги 395-ўрта мактабни тамомлаб чиққан Игорь Белшков бундай дейди: «қўлимда деярли нуқул аъло баҳолик аттестатим билан институтга кирсам ҳам бўларди. Лекин мен турмуш йўлимни тўғри танлаб олишим учун олдин ишлаб кўришим керак, деб ўйлайман. Қандай яшаш кераклигини билиб олиш учун ҳаётни тушуниб олиш керак, ҳаётни меҳнатда тушуниб олиш мумкин». Игорь худди шу турмуш мактабини танлаб олди — у Олтойдаги қурилишларга бориб ишлашга аҳд қилди.

Кўп минглаб ўт юракли ёшларимиз, шулар жумласидан Шомурод Эшхўжаев, Олег Гребнев, Нуриддин Раҳимов, Лиля Сидорова ва Латиповалар танлаб олган йўл улуғ халқимиз бахт-саодати учун фидокорона меҳнат қилиш ва порлоқ ғалабаларга эришиш йўлидир. Бу йўл шонли совет ёшларининг куч-ғайратига, ақл-идрокига, гўзал маънавий фазилатларига жуда мойанд йўлдир. Ўзлари танлаб олган бу турли-туман йўллар энг юксак ва олижаноб мақсадга — севикли Совет Ватанига энг кўп хизмат қилишга олиб борадиган йўллар эканлигини бу ёшлар яхши биладилар. Уларнинг сўзлари билан ишлари бирдир. Коммунистик партия, Ленин комсомоли, совет мактаби уларни ана шундай этиб ўстирди, камолга етказди.

Сизларга оқ йўл тилаймиз, азиз дўстлар, дегимиз келади. Ажойиб ҳаётимизнинг ижодий ишлар ва ғалабаларга тўлган кенг йўлидан дадил олга бораверингиз. Ўрта мактабларни тамомлаб чиқадиган ёшларимизнинг янгидан-янги отрядлари ҳар вақт сизга эргашиб боради. Ишлаб чиқаришда ишлаш ўз ўқишини давом эттиришга тўсқинлик қилмаслигини бу ёшлар сизларнинг тажрибангиздан яққол кўриб турибди. Зўр истак бўлмоғи керак. Шонли совет саркардаси Котовский: «Истак билдирганинг — удда қилганинг», дейишни кўп яхши кўрарди.

Бизнинг совет замонамиз шундай замонаки, истак бўлса, ҳамма эзгу мақсадларингга эришасан. Бунинг учун сенда ирода, орзу ва ишонч бўлсин!

И. КРАСНОБАЕВ,
педагогика фанлари кандидати.

Пахта байрамини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун барча колхоз ва совхозларда ғўза парваришини тинмай давом эттирайлик!

Ҳосилга-ҳосил қўшилмоқда

Бригадамиз аъзолари ўтган йили 83 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олган эдилар. Бу йил эса 105 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 35 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдамиз. Колхозчиларнинг ғуюшқоқлик билан қилган ҳаракати, механизатор ўртоқларнинг катта ёрдами туфайли чигитни бир текис ундириб олишга эришдик. Биз ғўза парвариши даврида механизация кучидан мумкин кадар тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилдик. Чигит 60Х45 схемаси бўйича экилган 75 гектар майдонда ғўзаларни механизация воситаси билан икки томонлама парвариш қилдик. Ривожланишдан орқада қолган ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантирдик. Культивация, чопиқ, озиқлантириш ишларини бир-бирига боғлаб, ўз вақтида ўтказаётирмиз.

Пахта байрами тўғрисидаги хабарни эшитгач, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшилди. Биз август ойида ғўза парваришини янада кучайтириш учун бир қанча тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Масалан, ғўзаларни қўшимча озиқлантириш мақсадида далага 300 тоннага яқин маҳаллий ўғит ташиб чиқардик. Биринчи навбатда ривожланишдан орқада қолган паст ғўзаларга шарбат суви оқизаётирмиз. Натижада барча майдондаги ғўзалар текис бўлиб ўсмоқда. Айниқса Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси қатнашчиси ўртоқ Р. Бобоев бошлиқ звено аъзоларининг ғўзалари яхши ривожланмоқда. Август ойида ғўзани ғовлатиб юбормай ҳосилни кўпайтириш учун курашмиз. Бу даврда сувчиларнинг роли ҳам ниҳоятда катта бўлади. Биз буни жуда яхши биламиз. Т. Сафаров, Р. Эгамназаров, У. Бобоев каби сувчилар кунига 1,5-2 гектар майдондаги ғўзаларни қондириб суғормоқдалар.

Бригадамизда ишчи кучлари тўғри тақсимланиб, социалистик мусобақа ҳар тарафлама қизитиб юборилган. Бу каби тадбирларни амалга ошираётганлигимиз учун ғўза парвариши юзасидан берилган график ортиги билан бажарилмоқда.

Ж. ЮСУПОВ,
Гулистон районидаги Крупская номли колхознинг бригада бошлиғи.

Социалистик мусобақа асосида

Азамат пахтакорларнинг фидокорона меҳнатлари яхши натижалар берди. «Победа» колхозининг 820 гектар майдондаги ғўзаларида мўл ҳосил тўпланди. Колхоз правлениеси ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбуриятнинг шараф билан бажарилишига эришиш учун ғўзаларни бундан кейин ҳам парвариш қилишга қарор қилди.

Колхознинг барча далачилик бригадаларида ўзаро социалистик мусобақа қизитиб юборилди. Бу ҳол ишга бўлган масъуliятни кучайтираётир, ғўза парваришининг ҳар тарафлама пухта ва сифатли уюштирилишини таъминламоқда.

Колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун уларга барча шароитлар яратиб берилган. Пул ва галла авансларини ўз вақтида бериб борилмоқда.

Қ. ҚУРБОНБОЕВ,
Верхне-волинск райони.

Сиз Пахта байрамига қандай совға тайёрлаяпсиз?

Пахтакор далани айланиб юрар экан, у ер-бу ерга энгашиб ғўза тупларидаги кўсакларни санаб кўради. Кўнгли тўлмагандек бўлиб яна ўрнидан туриб кетади. Йўл-йўлакай алланималарни ҳисоблаб чиқади, ўзича режалар тузади. У ҳозирги ҳосилидан қаноатланмаётгандек кўринади. Мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун хирмонлар, этак ва қоп-қапоралар тайёрланмоқда. Бригада даласидан колхоз марказига олиб чиқадиган йўллар текисланаётир, кўприклар созланмоқда.

Жданов номли колхоздаги ҳамма бригадалар ҳам ўртоқ Э. Худойбердиев бригадаси сингари мўл ҳосил учун курашни қизғин давом эттирмаётирлар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти барча бригада ва звеноларда мажбуриятга яраша ҳосил бўлиши учун қўшимча тадбирлар белгилашлари, айрим далалардаги ёввойи ўтларнинг 2—3 кун ичида батамом юлиб чиқилишини таъминлашлари зарур. Агар шундай қилинмаса ёз бўйи тер тўкиб етиштирилган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади ёки камайиб кетади. Шу кунларда машина билан пахта териш учун ҳозирлик кўриш лозим. Пахтани машина билан теришга ажратилган далаларда мутлақо ёввойи ўтлар бўлмаслиги, пайкаллар чекаси текисланиб қўйилиши зарур.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти мўл ҳосил учун курашни Эгамберди Худойбердиев бригадасидагидек ташкил этса, колхоз бўйича олинган мажбурият албатта бажарилади. Янги байрам — Пахта байрамига муносиб совға тайёрланган бўлади.

Суратда: бригада бошлиғи ўртоқ Э. Худойбердиев ғўза тупларидаги кўсакларнинг қандай етилаётганлигини кўздан кечирмоқда.

А. Котулев фотоси.

☆

Илғор сувчилар

Тун шабадасида ғўзаларнинг сиҳрли шитирлаши ва ариқларга таралган сувнинг шилдираши ёқимли эшитилади. Сувчилик касби зўр чидам ва сидқидиллик билан ишлашни, зийракликни талаб қилади. Забир ака ана шундай сувчилардан бири. У сувнинг овозидан қайси ариқнинг нишоби паст, қайси бириники баланд, дарров пайқаб олади. Мана, кенг пахтазор. Осмонда юлдузлар бирин-кетин йилтиллай бошлади. Тун шабадаси эсарди. Куни билан қуёш нурини эмган ғўзалар бир меёрда оқаётган сувни қониб шимирарди. Қулоқ бошидан ҳозиргина қайтиб келган Забир ака қўлидаги фонарни дўнг ерга қўйиб, жафтдек картани кузата бошлади, чап томондаги ўқ ариқдан оқаётган сувнинг шилдираши кучайгандек туюлади. У кетмонни елкасига ташлади-да, ўша томонга қараб йўл олди. Сувчининг шубҳаси тўғри чиқди. Картанинг бошидаги ариққа хашак тиқилиб қолганлиги учун сув бошқа ёққа тошиб кетган экан. Забир ака қулоқни созлаб, сувни ўқ ариққа буриб юборди-да, яна теппаликка чиқди, ғўё ғўзаларнинг сувдан роҳатланиб нафас олаётганини сезгандек завқланиб кузата бошлади.

Сув жўнашиб кетган. Забир ака этакка томон йўл олди. Ён картадан аллажимнинг шағал аралаш тупроққа кетмон ургани эшитилди. Этак томонлан кимдир фонарь билан қулоққа ўтиб кетди. Булар Забир эканлиг мусобақадошлари, қўшни карталарнинг сувчилари эди.

Илғор сувчи Забир Сайдалиев ўртоқ Қулаҳмад Дўстмуҳамедов бошлиқ тўртинчи бригадада ишлайди. У сувчилик касбини Эшматов, Раҳмонов каби ёшларга ҳам ўргатмоқда.

Биз ўртоқ Дўстмуҳамедовни сувчилар атрофида айланиб юрган вақтида учратдик.

— Бригадамизнинг сувчилари,—дейди у,—Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик экинларини суғориш ҳақидаги қарорини зўр мамнуният билан муҳокама қилиб чиқдилар. Бригадамизнинг 64 гектар пахта майдони бор. Олти киши сувчилик қилади. Буларнинг учтаси кундузги, учтаси тунги сменада ишлайди. Улар ғўзаларнинг бир текисда қониб, нормал сув ичишини таъминламоқдалар. Забир Сайдалиев кундалик суғориш нормасини бир ярим-икки ҳисса бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Сувчиларимизга барча шароитлар яратиб берилган.

Калинин районидаги Молотов номли колхознинг ўртоқ Дўстмуҳамедов бошлиқ бригада аъзолари айниқса шу кунларда ғўза қатор ораларини ишлашда пахта усталарининг тажрибаларини кенг қўллаётганлиги ҳаммамизга ибрат бўлмоқда. Ҳозиргача бригаданинг барча майдонидаги ғўзалари 4 марта культивация, 5 марта кетмон чопиғи қилинди ва 4 марта қондириб суғорилди.

Бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган Тўлаганова, Саидалиев ўртоқлар бошлиқ звеноларнинг аъзолари ҳам кундалик нормаларини икки-икки ярим ҳисса қилиб бажармоқдалар.

Л. МАҲМУДОВ,
Т. ЯЙЛОВОВ.

☆ ☆ ☆

Ғўза парваришини тўхтовсиз давом эттирайлик

(РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Областимиз колхозларида Пахта байрамини муносиб кутиб олиш учун шу кунларда ғўза парвариши ҳар тарафлама қизитиб юборилди. Пахтакорлар август ойининг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, барча дала ишларини бир-бирларига боғлаб олиб бормоқдалар. Бу тўғрида ҳар куни редакциямизга кўплаб хатлар келиб турибди. Ана шу хатларда ғўза парваришининг қандай олиб борилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади, сувчиларнинг иши тўғрисида ёзилади.

Ворошилов номли колхознинг ўртоқ Алматов бошлиқ бригада аъзолари мўл ҳосил учун курашиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар, — деб хабар қилади Чиноз районидан ёзган ўртоқ **У. Каримов.** — Бригада аъзолари ўтган йили 64 гектар ернинг ҳар гектаридан 20 центнердан пахта топшириб, йиллик планни муваффақият билан бажарган эдилар. Бу йил улар ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бригаданинг барча майдонидаги ғўзалар шу кунга қадар 6 марта культивация, 4 марта чопиқ қилинди, 3 марта қондириб суғорилди. Маҳаллий ва минерал ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантирилган ғўза тупларида мўл ҳосил тўпланмоқда.

Шунингдек, **С. Ҳамроев, Н. Саидов, Х. Мусурмонқулов** ўртоқларнинг хабар қилишларига қараганда, Чиноз районининг Сталин номли, Ленин номли, Хрушчев номли ва «Қизил Октябрь» колхозларида ҳам ғўза август ойида сифатли парвариш қилинаётир. Колхозчилар ғўзаларни комплекс парвариш қилиш, қондириб суғориш, ўсиндан кейинда қолаётган ғўзаларни яхшилари қаторига етказиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Сирдарё районидан хабар ёзган ўртоқ **Муҳиддинов** Каганович номли колхознинг пахтакорлари мўл ҳосил етиштириш учун нималар қилаётганликларини ҳикоя қилади. Колхознинг барча майдонлардаги ғўзалари бир текисда ҳосилга кирган. Бу, культивация, озиқлантириш, суғориш, чеканка каби дала ишларининг ўз вақтида, сифатли қилиб ўтказилганлигининг натижасидир. Колхозчилар август ойида ҳам суръатни бўшаштирмасдан, ғўза парваришини пахта пишиб етилгунча давом эттиришга қарор қилганлар.

Газетхонлардан **З. Ортиқов, Н. Саидов, Илёсов** ўртоқлар ҳам ўз хабарларида ана шу районнинг Тарас Шевченко номли, Охунбобоев номли, Сталин номли, «XIX партсъезд» колхозларида шу кунларда ғўза парвариши қандай уюштирилганлигини айтганлар. Ўртоқ **Р. Исмоилов** Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг коммунист Ғулом Қодиров бошлиқ бригадасида ғўза парвариши қандай ўтказилаётганлиги тўғрисида ёзиб бундай дейди: бригаданинг меҳнатсевар аъзолари 61 гектар майдонга 45х45 ва 60х60 схемасида чигит экиб, ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар.

Квадрат-уялаб ўстирилаётган ғўзалар ўз вақтида агротехника муддатларида культивация, чопиқ қилиниб, суғорилди. Механизация кучидан унумли фойдаланилаётганлиги туфайли қўл меҳнати сарфи камайиб, иш унуми ортди. Ҳозир бригаданинг баъзи бир карталаридаги пахталар очилай деб турибди. Ўртоқ **С. Ҳамроевнинг** хабар қилишига қараганда, Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ҳам иш ана шундай яхши ташкил қилинган.

С. Зокиров, Х. Бекмирзаев ўртоқларнинг ёзишларига қараганда, Янгийўл районидаги Свердлов номли ҳамда Ленин номли колхозларнинг **Б. Олимбеков, Қ. Саидбоев** ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўзалар нормал ва соғлом ривожланиб, мўл ҳосил тўпламоқда.

Гулистон районидаги Крупская номли колхознинг Х. Ниёзов бошлиқ бригада аъзолари 75 гектар майдондаги ғўзаларни август ойида 1,5 марта культивация, бир марта чопиқ қилиш, икки марта суғориш учун курашмоқдалар. Шу ҳақда хабар ёзган ўртоқ **М. Абдураимов,** Ж. Эргашева ва Ч. Мусаева бошлиқ звено аъзолари ўтган ўн кунликда барча ғўзаларни бир марта комплекс парваришдан чиқардилар, ҳозир бу звеноларнинг ғўзасида мажбуриятни қоплайдиган даражада кўсаклар бор, дейди. Звено аъзоларига Х. Раббанов, И. Қурбонбоев каби универсалчилар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Райондаги Молотов номли, «Красная заря» колхозларида ҳам ҳосилга-ҳосил қўшиш учун кураш ҳар қачонгидан кўра қизитиб юборилган. **А. Бобоқулов, Х. Нажмиддинов** ўртоқлар ана шу ҳақда ҳикоя қиладилар.

Август ойи тўпланган ҳосилни сақлаб қолиш, кўсакларни етилтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кунлар иссиқ бўлаётгани сабабли ана шу давларда сувчининг роли, айниқса, катта бўлмоқда. Ҳар бир сувчи ғўзаларни бир меёрда суғориш билан мўл ҳосил тақдирини ҳал қилади. Шунинг учун ҳам редакцияга келаётган кўпчилик хатларда газетхонлар экинларни парвариш қилишнинг охирги даврида сувчиларнинг роли катта эканлигини такидламоқдалар.

Мирзачўл районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг Б. Ўтаров, И. Алишев, Ж. Исаев каби моҳир сувчилари ҳар куни 1,5-2 гектар ердаги ғўзаларни ғай усулида қондириб суғормоқдалар. Ўртоқ **Н. Юсуповнинг** ёзишига қараганда, колхознинг барча бригада ва звеноларида ҳам суғориш ана шундай ташкил этилган.

Шунингдек, газетхонлардан **У. Мусоқов, Т. Орипов, Т. Отақулов** ўртоқлар ҳам Оққўрғон районидаги Сталин номли, Ўртасарой районидаги Сталин номли колхозларда ғўзалар қондириб суғорилаётганлигини билдирадилар.

Сув—ғўзанинг қон-жони, ғўза доимо сув билан ривожда. Пахтакорлар буни унутмасликлари, ғўза парваришини қизғин давом эттириб, янги байрам—«Пахта байрами»ни поёнсиз далаларда мўл ҳосил етиштириш учун курашни кучайтириш билан кутиб олишлари керак.

Рабиндранат ТАГОР

Сепгиз қизнинг тақдири

Беш ўғилнинг отаси бўлмиш Рамшундор Митронинг оиласида, ниҳоят, қиз туғилди. Қувончга тўлган ота-она унга Нирупома[1] деб номлашгани ҳам ўйлади. Камдан-кам учрайдиган бу гўзал исм то шу вақтгача Рамшундорлар уругида ҳали ҳеч учрамаган эди. Улар болаларига кўпроқ Ганеш, Картик ёки Парвати[2] каби худоларнинг исмини қўйишар эдилар-у, аммо Нирупома деб атамас эдилар, албатта.

Вақти келиб, Нирупома ҳам балоғатга етди. Меҳрибон ота энди унга муносиб куёв танлашга киришди. Бироқ анча вақтгача ҳеч ким унинг кўнглига тўғри келмади. Ниҳоят, куёв ҳам топилди. Бу райбаҳадурнинг[1] якка-ёлғиз ўғли эди. Тўғри, уларнинг аҳволи иқтисодий жиҳатдан кейинги вақтларда анча оғирлашиб қолган бўлса ҳам, лекин шунга қарамай, йиғит аслзодалардан эди.

Куёвнинг отаси қиз томоннинг ўн минг рупия[2] сеп беришини талаб қилди. Рамшундор, нима бўлса ҳам аслзода куёвни қўлдан чиқариб юбормаслик учун, ишнинг оқибати қаерга олиб келишини ўйламайнетмай, бу шартга дарҳол рози бўлди. Бироқ лозим бўлган пулни топиш амри маҳол эди.

Рамшундорни ғайратсизликда айблаш мумкин эмас эди, албатта: у бор имкониятидан фойдаланиб, сотадиганини сотди, сотмайдиганини гаровга қўйди. Лекин бошини у ёқдан бу ёққа ҳар қанча урмасин, барибир, ваъда қилган муддатга келганда унга яна олти-етти минг рупия етмас эди. Кунлар эса жуда тез ўтиб кетди ва ниҳоят тўй куни ҳам етиб келди.

[1] Нирупома — лугавий маъноси «беқиёс» демакдир.

[2] Ганеш — ҳинд мифологиясида донишмандлик тангриси ва фан ҳомийси. Картик — уруш худоси. Парвати—бузғунчилик тангриси Шиванинг рафиқаси, бошқачароқ қилиб айтганда, Дурга ёки Кали.

[1] Райбаҳадур — лугавий маъноси «қаҳрамон» демакдир. Бу ерда «фахрли», «эътиборли» киши маъносида.

[2] Рупия — Ҳиндистондаги асосий пул бирлиги. Бир рупия тахминан 84 тийинга тўғри келади.

ҲИКОЯ

Ой туйнукка келганда жуда катта фойда бериш шарти билан етмаган пулни қарзга бериб турадиган киши ҳам топилди, аммо нима бўлди-ю, Рамшундор бу пулни ололмай қолди.

Мана, оқибат, тўй куни дастурхон устида жанжал бошланди. Рамшундор райбаҳадурга қарз муддатини кейинроққа чўзиш тўғрисида беҳудага ялиниб-ёлворди.

— Тўй ўз йўли билан ўтаверсин, — дер эди у илтимос қилиб, — қарзимни бўлса, мен сизга албатта тўлайман.

— Йўқ, — дер эди унга райбаҳадур қайсарлик қилиб. — Мен пулнинг ҳаммасини олмагунимча, куёв ҳатто столга ҳам ўтирмайди.

Шу орада ичкаридан — хотинлар хонасидан кимнингдир аччиқ-аччиқ йиғлаган товуши эшитилди. У ерда барча кўнгилсиз воқиаларнинг асосий сабабчиси бўлган қиз эгнига қизил тойи кўйлак кийгани ҳолда, турли зеби-зийнатлар тақиб, пешонасига сандал дарахтининг бўёғидан нишона қўйганича, ўз тақдирининг ҳал бўлишини кутиб йиғлаб ўтирарди. Аммо юз бераётган бу воқиа унинг қалбида бўлажак қариндошларига нисбатан бирон-бир ёмон ҳис-туйғу ва чуқур ҳурмат-эҳтиром уйготди, деб айтиш, албатта, мумкин эмас.

Хайриятки, бу масала Рамшундорнинг фойдасига ҳал бўлди. Кутилмаганда куёв ўжар отасига бўйсунишдан бош тортди ва:

— Мен бу ерга савдолашгани келганим йўқ. Уйланаман деб келдимми, вассалом, уйланаман! — деб айтди.

Ғазабланган ота меҳмонларга арз-дод қила бошлади.

— Бунга қаранглар! Мана, кўрдингларми энди ёшларимизнинг қилаётган ишини! — деб бақирар эди у.

— Бунинг ҳаммаси ёшларимизга шастраллар[1] ва ахлоқ қоидаларини ўқитмай қўйишганидан! — деди чоллардан бири унинг гапини маъқуллаб.

Ниҳоят, ёшларга берилаётган ҳозирги таълим-тарбиянинг гоят заҳарли меваси райбаҳадурни қаттиқ ранжитди ва тўй кўнгилсизлик билан ўтди.

Рамшундор қизи билан хайрлашар экан, уни бағрига босди ва кўз ёшларини тийиб тура олмади.

— Дада, улар менга уйга бориб туришга рухсат берадиларми? — деб сўради Ниру.

— Нега беришмасин? Мен ўзим ҳам келиб тураман, — деди отаси уни юпатиб.

Рамшундор қизидан тез-тез хабар олиб турди. Лекин уни қудалари унча ҳурмат қилишмас эди. Ҳатто қуда эшигидаги малайлар ҳам унга менсимай қарашарди. У Ниру билан фақат ҳар замон-ҳар замондагина беш-ўн минутга ҳоли уйга кириб гаплашишга муваффақ бўла олар эди, холос. Аммо кўп вақт у қизи билан ҳатто кўриша олмас ҳам эди.

Номусли Рамшундор унга нисбатан қудасининг уйида йўл қўйилаётган турли хил ҳақорат ва камситишларга ортиқ чидолмади. У ўз-ўзига: «Ҳаммасининг баҳридан кечсам ҳам, пулни тўлаганим бўлсин!» деб аҳд қилди ва қаердан унса, шу ердан қарз ола бошлади. У ҳа демай қарзга шу қадар ботиб кетдики, бу қарзлардан қутилишга унинг ҳеч қурби етмас эди. Энди у уй-рўзғорини жуда тежаб олиб боришга ва унга қарз берган кишиларнинг кўзига кўринмаслик учун не-не ишларни қилишга, не хил найранглар ишлатишга мажбур бўлди.

Нирунинг аҳволи эса қайин ота, қайин онасининг қўлида кундан-кунга ғамгинроқ бўлиб борарди. Қайси бири бўлмасин, киманидир баҳона қилиб, уни чиёндек чақишга ҳаракат қиларди. Нирунинг кўзларидан ёши ҳеч аримасди. Кўпинча у, бирontасининг оғзидан унинг ота-онасига тегизиб айтилган ҳақоратомуз сўзларни эшитиб қолса, уйига кириб, эшикни ичидан беркитиб оларди-да, аччиқ-аччиқ йиғлар эди. Лекин ҳаммадан кўра унга золим қайин онаси кўпроқ ситам ўтказарди. Одам ҳадис, бирontаси Ниру тўғрисида:

— Лекин ажойиб гўзал-да — кўзингни узгинг келмайди киши! — деб қолгудек бўлса, қайин онаси дарҳол бетга сапчирди:

— Гўзал эмиш! Сиз аввал унинг зотини суриштирсангиз яхшироқ бўларди!

Нируга ҳеч ким меҳрибонлик қилмас эди. Агар бирontа раҳмдил қўшни хотин Нирунинг усти-боши эскириб қолгани ёки унинг озиб кетгани ҳақида бирон-бир ножўяроқ гап гапириб қолгудек бўлса, қайин онаси дарҳол унинг сўзини бўлар ва, ғўё, қизга бўладиган ғамхўрлик, шубҳасиз, унинг отасининг ўз қарзларини тўлаб қутилишига боғлиқ дегандай қилиб:

— Шундоқ ҳам олиб келган сепига қараганда кўпроқ нарса олаяпти! — дер эди.

— Етар унга шунча гирди капалак бўлганимиз! — дейишарди унинг уйидагилар. — У бизнинг оиламизга ҳийла билан кириб олди!

Рамшундор қизининг нечоғлик хўрланаётганини билар эди. У ўйлаб-ўйлаб, охири, уйини сотиб бўлса ҳам, қарздан қутилишга жазм қилди.

«Янги хўжайинимдан ижарага уй оламан» деб фикр қилди у, лекин ўзининг бу мақсадини ҳеч кимга айтмади, чамаси шундай содда устамонлик билан, умримнинг охиригача уй сотганимни ўгилларимга билдирмайман, деб ўйлади.

Аммо ўгиллари қандай йўл биландир буни билиб қолишди ва отасини бу ишдан бутунлай воз кечишга мажбур қилишди. Айниқса, ўзлари ҳам бола-чақалик бўлиб қолган учта катта ўғли отасининг бу ишига қаттиқ норозилик билдирди. Шундай қилиб, отанинг ўйлаб юрган режалари ўгилларининг қаршилигига дуч келиб, барҳам еди ва ниҳоят у, ҳатто уй сотиш тўғрисидаги фикридан ҳам воз кечишга мажбур бўлди.

Бироқ севимли қизининг тақдири тўғрисидаги ташвишли ўйлар кекса Рамшундорга ҳамон тинчлик бермас эди. У бу мушкул ишнинг чорасини ахтариб, кўринган кишидан, юқори фойда тўлаш шарти билан, яна қарз ола бошлади.

Оқибат шунга олиб келдики, Рамшундорнинг уйида ҳатто рўзғор тебранмай қолган кунлар ҳам бўлди. Ниру отаси билан учрашган кезлари, унинг қанчалик оғир аҳволда қийналаётганини ҳис қилар эди. Отасининг озғин ва сўлғин юзлари, ошоқ оқариб кетган сочлари, эзилган ва азоб-уқубат чеккан ғамгин руҳи унинг гоят қашшоқ ҳаётидан ҳамда оғир машаққатлар тортаётганидан далолат бериб турарди. Шунингдек, унинг ўзи ҳам қизининг олдида ўзини гуноҳкор ҳис қилар ва йўл қўйган хатоларини фикран идрок қилиб, қайғу-ҳасратларини ундан яшириб тура олмас эди. Рамшундор аҳён-аҳёнда қудаларининг рухсати билан Нируни кўрар ва у билан гаплашар экан, қанчалик оғир аҳволда экани унинг ҳазин табассумидан яққол кўриниб турарди.

Нирунинг бутун фикру-ёди отасининг уйида бўлиш ва, доқал, қандай қилиб бўлмасин, унинг азоб чекаётган қалбига тасалли беришга талпинар эди.

У, кунлардан бир кун отасидан:

— Баба[1], мени ўзингиз билан бирга олиб кетинг! — деб илтимос қилиб қолди,

— Хўп, қизим, — деди отаси розилик билдириб.

Бироқ у қуёвининг уйида, худди қарзини тўламаганлиги учун ўзининг оталик ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум бўлган кишидек, ҳеч қандай иззат-ҳурматга эга эмас эди. Ҳатто ўз қизи билан шунчаки кўришиш учун ҳам ҳар гал алоҳида рухсат олишга тўғри келарди. Агар қизи ҳар гал ҳам фақат бир нарсани — фақат отасининг уйига боришни илтимос қилса, ахир ота қандай қилиб ўз қизига йўқ дейиши мумкин?

Яхшиси, Рамшундорнинг бошидан кечган қанчадан-қанча камситишлар, ҳақоратлар ва жонни қийнайдиган номуссизликларни батафсил баён қилмаслик керак. У уч минг рупия пул йиғди ва шундан кейингина ўз илтимосини айтиб, райбаҳадурнинг олдидан ўтмоқчи бўлди.

Рамшундор йиққан пулларини чадорининг[1] бир учига тугиб олиб, қудасиникига томон йўл солди. У хоҳлар-хоҳламас жилмайиб, шунчаки гап бошлаш мақсадида кейинги янгиликлардан гапириб кетди. Хорекришноларнинг буди-шудигача ўтги кўтариб кеттанини бошдан-оёқ гапириб берди. Ака-ука Нобинмадхор билан Радҳамадхорларни бир-бирига таққослади, улардан биринчисини мақтаб, иккинчисини койиди. Қудасини шаҳарда тарқалган янги касаллик ҳақидаги турли-туман миш-мишлардан ҳам хабардор қилди.

[1] Шастраллар — ҳиндларнинг ахлоқий мажбуриятлари ёзилган қадимий муқаддас китоблар мажмуаси бўлиб, унда турли диний, фалсафий ва илмий масалалар талқин қилинган.

[1] Баба — лугавий маъноси «ота» бўлиб, шундай деб ҳам айтилади.

Сўнгра ҳукаси (чилими)ни бир томонга суриб қўйди-да, ғўё, ҳа, айтмоқчи, дегандек сўз бошлади:

— Дарвоқи, сал бўлмаса эсимдан ҳам чиқаза ёзибман! Кўп гапириб, хаёлимдан мутлақо кўтарилиб кетибди. Ахир мен сендан қарздорман-ку, мана, бир озгинасини олиб келган эдим... Ҳа, биродар, чамаси қариб қолибман, хотирам ҳам сўна бошлапти...

Шу қадар узундан-узун гаплардан кейин Рамшундор осонгина ва бир оз бепарволик билан ёнидан учта минг сўмлик қоғоз пул олиб узатди. Агар бу пуллар унга қанчага тушганини ҳисобга олинса, бунга нисбатан унга, эҳтимол, ўзининг учта қовурғасини суғуриб олиб бериш ҳам осонроқ тушган бўлур эди.

Аммо райбаҳадур бор-йўғи уч минг рупияни кўриб, нафратомуз ҳахолаб кулди.

— Қўй, қуда, менга бу арзимайдиган пулингнинг кераги йўқ, — деди у ва гапини Бенгалиянинг, мазмунидан, арзимаган нарса учун қўлимни булғаб нима қиламан, деган каби мақоли билан тамомлади.

Эҳтимол, бу гаплардан кейин қудасидан ўз қизини, қанча муҳлатга бўлишидан қатъий назар, уйига юборишини сўраб илтимос қилишга журъат этадиган ота икки дунёда ҳам топилмаса керак.

Рамшундор ўз ичида: «Йўқ, ишнинг бу аҳволда давом этиши ҳеч мумкин эмас!» деб ўйлади.

Райбаҳадурнинг бу хилдаги муомаласидан қаттиқ эзилган Рамшундор, ниҳоят, ўзининг арз-ҳолини баён қилишга ботинишидан аввал, узоқ вақт сукутга чўмди. Аммо райбаҳадур ҳеч қандай гапга бормай, шартта унинг сўзини кесди ва:

— Йўқ, ҳеч мумкин эмас! — деди-да, ўз иши билан кетди.

Рамшундор пулларини яна чадорига тугиб олди-да, уйига қайтди. Шундай қилиб, бу гал у қизига қорасини кўрсатишга журъат эта олмай кетди. Аммо у ўзўзига, қарз пулларимнинг ҳаммасини тўламагунимча ва қудамдан қизимнинг лозақал ҳар замон-ҳар замонда бир марта уйимга келиб туришига рухсат беришини талаб қилиш ҳақига эга бўлмагунимча, шу остонага оёқ босмаганим бўлсин, деб сўз берди.

[1] Чадор — устки кийим сифатида ишлатиладиган мата бўлаги.

(ОХИРИ ТУРТИНЧИ БЕТДА)

Совет делегациясининг матбуот конференцияси

ЛОНДОН, 16 август. (ТАСС махсус мухбири). Сувайш канали масаласига бағишланган Лондон конференциясининг бугун биринчи мажлиси бўлганидан сўнг, Совет делегацияси матбуот конференцияси ўтказди. Матбуот конференциясини Д. Ф. Кельчев ўтказиб, ишлар ва чет эл мухбирларига мажлиснинг бериши тўғрисида ахборот берди ҳамда берилган саволларга жавоб қайтарди.

Германия Демократик Республикаси бош министри ҳузуридаги матбуот бошқармасининг ахбороти

БЕРЛИН, 16 август. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси бош министри ҳузуридаги матбуот бошқармасининг АДН агентлиги томонидан эълон қилинган ахборотида бундай дейилади:

Бонн ҳукуматининг илтимосига кўра, Ғарбий Германиянинг конституцион суди Германия Коммунистик партиясини тақиқламоқчи бўлиб турибди. Биз, оқибати ёмон бўладиган бундай ишни қилмаслик керак, деб охирги моментда огоҳлантирамиз, бундай иш қилишни Германияни бирлаштириш ишига ошкора зарба уриш деган маънодагина тушуниш мумкин. Германия Коммунистик партиясини тақиқлаш Германияни бирлаштиришга тайёргарлик кўриш мақсадида олиб бориладиган ҳар қандай музокараларни ғоят қийинлаштиради. Компартияни тақиқлаш элементар демократик эркинликларга қарши ҳужум қилиш демакдир. Немис халқи бундай ўзбошимчаликни ҳеч қачон тан олмайди. Демократик эркинликларни таъминламоқ учун ҳамиша изчиллик билан курашиб келган партияга қарши Бонн ҳукумати томонидан кўрилаётган бу қаттиқ чоралар бутун немис халқига. Боннинг ҳозирги ҳукумати Германияни оқибати ёмон бўладиган милитаризм йўлига солаётганлигини кўрсатади. Немис халқи бунга йўл қўймаслиги керак.

Атом ва водород қуролига қарши Японияда митинг

ПЕКИН, 16 август. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: кеча Японияниг энг катта шаҳарларидан бири бўлмиш Осака шаҳрида атом ва водород қуролини тақиқлаш учун курашга бағишланган оммавий митинг бўлди. Атом ва водород қуролини тақиқлаш учун курашга бағишланган иккинчи халқаро конференция ишида қатнашган турли мамлакат делегациялари ҳам митингда ҳозир бўлдилар.

Митинг қатнашчилари атом ва водород қуролини тақиқлаш учун курашга бағишланган иккинчи халқаро конференцияда қабул қилинган декларацияни ва резолюцияларни якдиллик билан маъқуллладилар.

Сувайш канали масаласига бағишланган Лондон конференцияси очилди

ЛОНДОН, 16 август. (ТАСС махсус мухбири). Сувайш канали масаласига бағишланган Лондон конференциясининг бугун биринчи мажлиси бўлганидан сўнг, Совет делегацияси матбуот конференцияси ўтказди. Матбуот конференциясини Д. Ф. Кельчев ўтказиб, ишлар ва чет эл мухбирларига мажлиснинг бериши тўғрисида ахборот берди ҳамда берилган саволларга жавоб қайтарди.

Конференция Сент-Жейм саройи залида жойлашган қадимий залдаги Ланкестер-Хаус биносида бўлаётир. Конференцияда 22 мамлакатнинг делегацияси қатнашмоқда. Бу мамлакатларнинг бир қисми Сувайш канали компанияси акцияларини эгаллаб олган мамлакатлар бўлиб, иккинчи қисми шу компания акцияларининг асосий қисмига эга бўлган Англия ва Франция ўз ҳоҳишича таклаб чақирган бир группа давлатлардан иборат.

Сувайш каналида кемаларнинг бемалол қатновини белгилаб берган 1888 йилги конвенцияга кўл қўйган Австрия-Венгриянинг қонуний ворислари бўлмиш давлатларнинг вакиллари кенгашга чақирилмаган. Ғарчи Германиянинг бир қисми — Германия Федератив Республикасидан кенгашга вакил чақирилган бўлса ҳам, аммо Германиянинг иккинчи қисми бўлмиш Германия Демократик Республикасидан вакил чақиридгани йўқ. Сувайш канали масаласининг тўғри ҳал этилишига ниҳоят даражада манфаатдор бўлган араб мамлакатлари ҳам конференцияга чақирилмаган; каналдан кенг равишда фойдаланаётган Хитой Халқ Республикаси, Польша, Болгария, Руминия, Бирма ва Финляндия сингари денгиз давлатларининг вакиллари ҳам конференция қатнашчилари орасида йўқ.

Конференцияда Миср вакилларининг йўқлиги эътиборни жалб қилмоқда. Маълумки, Сувайш канали масаласига бевосита дахлдор бўлган Миср билан ҳеч бир давлат ўртасидаги ҳеч бир масала ҳал этилмасдан, Сувайш канали компанияси ишини мушкуллаштириш ниятида эмас, аксинча, у, конференциянинг вазифаларини енгиллаштирмоқ учун ўз қўлидан келган ҳамма чораларни кўради, чунки бу конференция муайян фойда етказиши мумкин. Конференция шундай фойда етказмоғи учун унинг мақсадлари ва вазифаларини, унинг иш тартибини реал аҳволга мослаштириш зарур. Биз бу кенгашни музокаралар олиб бориш йўлидаги биринчи қадам деб ҳисоблаймиз ва ҳаммамиз ҳозирги вақтда кўп кишиларни ҳаяжонлантираётган масалани бартараф қилмоқ учун Миср давлатига ҳам, шунингдек бошқа манфаатдор давлатларга ҳам мақбул бўладиган йўлни фикр олишув ва маслаҳатлашув асосида топишга интилиб кўришимиз керак, деб ўйлаймиз.

Мен давлатларнинг бу ерга тўпланган ҳурматли вакилларини ўзларининг эътиборларини кенгаш процедураси масалаларига қаратмай, балки Яқин Шарқда юз берган вазиятнинг кескинлаша боришига йўл қўймаслик мақсадида куч ва ғайратларини бирлаштиришга даъват қиламан. Бизнинг кенгашимиз сингари кенгаш учун Сувайш канали масаласини бартараф қилиш соҳасида бамаслаҳат йўл қидириб топиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Давлатлар вакилларининг бу учрашуви Миснинг суверен ҳуқуқларини ҳурматлаш асосида Сувайш каналида кемаларнинг бемалол қатнови тўғрисидаги масалани кўриб чиқмоқ учун халқаро конференция ёки бошқа халқаро процедура тайёрлаш масаласида бамаслаҳат бир фикрга келмоғи учун мумкин бўлган ишларнинг ҳаммасини қилмоқ керак.

Д. Т. Шепилов, Якин ва Ўрта Шарқ зонасида Совет Иттифоқининг қандайдир алоҳида махсус манфаатлари йўқлигини ва у, Араб Шарқидаги ҳеч бир мамлакатда ўзи учун фавқулодда ҳуқуқлардан ёки имтиёзли вазиятдан фойдаланмаётганлигини ва буни ўзига талаб қилмаётганлигини кўрсатиб, пировардида бундай деди: «Биз, истаган, биз интилаётган ва бундан буён ҳам биз интилишимиз муқаррар бўлган бирдан-бир нарса шуки, Якин ва Ўрта Шарқ зонаси мустаҳкам тинчлик зонаси бўлсин, халқлар тараққий қилиб бораётган ва самарали халқаро ҳамкорлик қилинадиган зона бўлсин».

Шуни айтиб ўтмоқ керакки, процедура масалалари устида фикр олишишга кўп вақт кетмади ва бу масала устида кескин дискуссия бўлмади. Конференцияда вакиллари қатнашаётган мамлакатлар етарлик бўлмаганлиги сабабли, бу конференция муҳокама қилинадиган масала устида қарорлар қабул қилмаслиги лозим ва муайян процедура қоидаларига эга бўлмаслиги лозим, деб Ҳиндистон, Индонезия ва Цейлон вакиллари томонидан айтилган ва СССР делегацияси томонидан қувватланган фикр ҳаммага мақбул бўлди. Ҳиндистон вакили К. Менон, бу конференциянинг муайян кун тартиби бўлмаслиги лозим, чунки конференциянинг мақсадлари ва вазифалари унинг ҳамма делегатларига маълум, деган фикрни айтди ва бу фикрни АҚШ вакили Ж. Ф. Даллес ҳам қувватлаб чиқди. Конференция кун тартиби белгиламаган ҳолда ўз ишини давом эттиради, деган қарорга келинди.

Эндиги мажлис бугун пешиндан кейин бўлади. Конференция қатнашчилари конференция олдида турган масаланинг асл ўзини муҳокама қилишга киришадилар.

ЛОНДОН, 17 август. (ТАСС махсус мухбири). Кеча кундузги мажлисда АҚШ, Швеция, Португалия, Италия ва Индонезия вакиллари ўз ҳукуматларини муҳокама қилинаётган масалага доир позицияларини айтиб бердилар.

Биринчи бўлиб АҚШ давлат секретари Ж. Даллес сўзга чиқди.

У, Сувайш канали ишлай бошлаган кундан бошлаб ва унинг бошқарилиши халқаро характерга эга бўлиб келган, деди. Даллес, Сувайш канали Европа ва Осиёдаги кўп мамлакатлар учун «ҳаёт томири» бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундайдир, деди.

Даллес Миснинг Сувайш каналини национализация қилиш тўғрисидаги қарорига тўхталиб, «Миср ҳукумати қулай келадиган ҳамма чоралар ёрдами билан ўз мамлакатини моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам қуриши ва мустаҳкамлаши учун ҳамма асослар бор» деди. Шу билан бирга, АҚШ давлат секретари, айтдики, гўё «эндиликда Миср миллий сиёсий мулоҳазаларга асосланиб, қайси мамлакатни камситмоқчи бўлса, шу мамлакатларнинг юкларини ва кемаларини канал орқали ўтказишни кўпгина махфий методлар билан секинлаштириб, қийинлаштириб қўйиши ва шундай мамлакатларнинг каналдан фойдаланишини ноқулай қилиб қўйиши мумкин. Миср қиличнинг сопини ушлаб турибди ва бу қилич билан кўп миллатларнинг иқтисодий ҳаётини барбод қилиши мумкин».

У қуйидаги принципларни асос қилиб олишни лозим бўлган деб таклиф этди:

1. Канал ҳақиқатан ҳам Сувайш каналини тўғрисидаги 1888 йилги конвенция принципларига мувофиқ равишда эркин, бегараз халқаро сув йўли сифатида идора қилинмоғи лозим.

2. Каналнинг идора қилинишига, қайси мамлакат чиқишида қатъий назар, миллий сиёсат таъсир ўтказмаслиги лозим.

3. Миснинг каналга ва унинг идора қилинишига таллуқли барча қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари, шу жумладан унинг тегишли ва одилона даромад олиб туриши этироф қилинмоғи ва қондирилмоғи лозим.

4. Сувайш канали компаниясига одилона компенсация тўлаш тадбирлари кўрилиши лозим.

Швеция вакили Унден айтдики, менинг ҳукуматимнинг фикрича, Сувайш канали масаласи Бирлашган Миллатлар Ташкилотида муҳокама қилинмоғи лозим.

Португалия ташқи ишлар министри Кунья АҚШ делегацияси томонидан киритилган таклифларни маъқуллаб гапирди. Сўнгра, Индонезия ташқи ишлар министри Абдулгани сўзга чиқди. Унинг нутқи масалани реалистик ҳал қилиш йўлини кўрсатиб берганлиги ва кучли далиллар келтирилганлиги билан эътиборни жалб қилди.

Индонезия вакили Сувайш канали проблемасининг ўзига ўтиб, бу сув йўли ва унинг атрофидаги ерлар Миснинг таркибий қисмидир, буни Англия ҳукумати ҳам эътироф қилган, шу сабабли, канал национализация қилинмасдан олдин ҳам ва ундан кейин ҳам бу ҳолатда ҳеч қандай ўзгариш бўлиши мумкин эмас, деди.

Сўнгра, у айтдики, Англия ҳукумати вакилининг Искандариядаги аралаш апелляция судига берган баёнотида айтилганидек, Сувайш канали компанияси «Миср қонуни олдида юридик шахсдир; унинг миллати фақат Миср миллатидир ва шу сабабли, у, Миср қонунларига итоат қилади».

Шу сабабли, деди Р. Абдулгани, Сувайш канали компаниясининг национализация қилиниши халқаро компаниянинг ёки чет эл миллатидан бўлган компаниянинг национализация қилиниши эмас, балки хусусий миллий компаниянинг ўз қонуний ҳукумати томонидан компенсациялар тўғрисидаги қонунларга тўла риоя қилинган ҳолда национализация қилинишидир. Агар биз буни эътироф қилсак, у ҳолда национализацияни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган проблемаларни, албатта, ҳар иккала томон муҳокама қилиши, мабодо зарур бўлиб қолса, учинчи томоннинг ҳам ёрдами билан муҳокама қилиниши мумкин.

Пировардида Индонезия вакили уқтириб айтдики, Сувайш каналидан самарали фойдаланиш Миснинг манфаатларига мувофиқ бўлиб тушади ва ҳеч бир камситилмаган ҳолда ҳамма мамлакатлар учун кемаларнинг каналда бемалол қатнаб туриши таъминланмоғи лозим. Баъзи мамлакатлар, деди у, Миснинг шу гарантияларга амал қилишига шубҳаланмоқдалар, лекин бу ҳолда, Абдулганининг фикрича, бу гарантияни мустаҳкамлашга тайёр бўлган бошқа мамлакатларнинг топиш қийин эмас.

Франция вакилининг таклифига биноан, дискуссиянинг давоми эртаги мажлисга қолдирилди. Шу билан бирга у айтдики, процедура масалаларини муҳокама қилиш кутилмаган равишда тугаб қолганлиги сабабли, баъзи делегацияларга ўз нутқларини тайёрламоқ учун вақт керак бўлади, деди.

Эндиги мажлис 17 август кундузи бўлади.

Инглиз қўшинларини Ўрта денгиз районига юбориш давом этмоқда

ЛОНДОН, 16 август. (ТАСС). Лондон радиоси хабар беради: Инглиз қўшинларини «Ҳаво ҳужуми» орқали Ўрта денгиз районига юбориш давом этмоқда. Бугун учта «Бристоль» самолёти Борнмут яқинидаги Ҳаво (Жанубий Англия) аэродромидан учиб кетди. Бу самолётларнинг ҳар қайсисида юзтадан ҳарбий хизматчи бор. Лондон яқинидаги Блэкбуш аэродромидан ҳам яна бир неча ҳарбий транспорт самолёти учиб кетди.

Нарвегия парламенти делегацияси Совет Иттифоқига келди

ЛЕНИНГРАД, 16 август. (ТАСС). СССР Олий Советининг таклифига биноан Норвегия стортинги (парламенти) депутатларининг стортинг раиси Оскар Торп бошчилигидаги делегацияси бугун Совет Иттифоқига келди. Делегация билан биргаликда бир группа норвеж журналистлари ҳам келди.

Норвегия ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Ленинград денгиз портида меҳмонларни СССР ва РСФСР Олий Советларининг, Ленинград шаҳар Советининг депутатлари, жамоатчилик ва матбуот вакиллари кутиб олдилар.

Ленинград шаҳар Совети ижроия комитети номидан меҳмонларни ижроком раисининг ўринбосари А. А. Лебедев самимий табриклади.

Микрофон олдида делегация бошлиги стортинг раиси Оскар Торп жаноблари нутқ сўзлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/VIII да **Зафар**, 19/VIII да **Азиз ва Санам**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/VIII да **Катта концерт**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Шундай йигит бор**, кеч соат 10 дан **Шаддод қиз**.

«РОДИНА» — эрталаб соат 10, кундуз 2 ва 4, кеч 6 да **Шундай йигит бор**, кундуз соат 12 да **Икки бигха ер**, соат 8, 10 да **Бир кружка пиво**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Шундай йигит бор**, кеч соат 8-20 минутдан **Шаддод қиз**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Шундай йигит бор**, кеч соат 10 да **Бомбай қизи**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «ИСКРА», «ХИВА», «ИСКРА» (Кафанов номли парк), «УДАРНИК» — **Шундай йигит бор**.

ҲИНД САНЪАТИ УСТАЛАРИНИНГ гастроль концертлари

18 августда — «Пахтакор» стадионида,

19 августда — Алишер Навоий номли опера ва балет театрида

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ

Концертлар «Пахтакор» стадионида кеч соат 8 да, Навоий номли театрда — кеч соат 9 да бошланади.

«Пахтакор» стадионида 19/VIII га белгиланган концерт қолдирилди. Сотиб олинган билетлар 18/VIII га ярайди.

Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида ва район кассаларида сотилади. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
(ёзги бино)
20 августда

катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Маҳмуджон Ғафуров, Султонпошша Раҳимова, Шаҳодат Раҳимова, Розия Каримова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Абдуғафур Абдурраҳмонов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА
(ёзги театр)
18 ва 19 августда

Концерт

Концертларда: Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Гавҳар Раҳимова, Муҳаммаджон Мирзаев**, эстрада солистлари **Муҳаббат Мусаева, Ғанижон Тошматов, А. Тўйчиев, Маҳмуджон Муҳамедов, Карим Солиев**, «Баҳор» рақс ансамбли қатнашади.

Тенгиз қизнинг тақдири

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Орадан узоқ вақт ўтди... Нирупома отасининг келиб кетишини сўраб, бир неча марта одам юборди, лекин отаси келмади. Ниҳоят, унинг отасидан кўнгли қолди ва бу натижасиз уринишларни қайтиб такрорламади. Аммо Рамшундорнинг ўзи ҳам бундан қаттиқ алам тортса-да, қудасининг уйига шу бўйи қайтиб йўламади.

Ашшин[1] ойининг байрам кунлари етиб келди. Рамшундор ўз-ўзига:

— Майли, нима бўлса бўлар, аммо Ниру байрам кунлари уйимда бўлиши керак. Шундай қиламан дедимми, албатта, қиламан! — деб сўз берди.

У шу сўзларни айтиб, жуда қўрқинчли қасам ичди.

Ашшининг бешинчими-олтинчими куни эди, у пулларини яна чадорига тугиб олиб, энди кетайин деб турганида, беш яшар набираси унинг олдига югуриб келиб:

— Дада[2], менга аравача сотиб олиб келгани кетаяпсизми? — деб сўраб қолди.

Бола кўчага чиқиб ўйинчоқ аравача тортиб ўйнашни кўпдан бери орзу қиларди. Унинг кетидан ундан атиги бир яшар катта бўлган набира-қизи чопқиллаб келиб қолди ва ўксинган ҳолда:

— Йўқ, дадам менга янги кўйлак сотиб олиб келгани кетаяпти! Бўлмаса мен байрам кунлари меҳмонга нима кийиб бораман! — деб айтди.

Рамшундор учун буларнинг ҳаммасини эшитиш жуда оғир эди. У руҳан жуда қаттиқ эзилган ҳолда, чилим устига чилим чекди, ҳасрат билан оҳ тортди ва келинлари райбаҳадурнинг уйига Пуджа[1] байрамида, гўё энг бахтсиз камбағаллар каби, эскига эски-туски кийимлар кийиб, зеби-зийнатсиз боришига тўғри келишини ўйлаб кетди. Аммо у қанча чуқур ўйламасин, барибир, ҳеч қандай натижа чиқмади, ўйлаб-ўйлаб ўйининг тубига етмади, фақат пешонасидаги ажинларигина ичига кириб борар эди, холос...

Маюсланган чол райбаҳадурнинг уйига келган вақтда ҳам унинг қулоғи тагида ҳалиги жажжи набираларининг йиғлаган товуши жаранглаб турарди.

Бу гал у ўзини бамайли хотир ҳис қиларди. Худди ўзининг уйида юрган каби юрар ҳамда дарвозабонлар билан малайларнинг кўзига кўзи тушганда, камситилган одам сингари кўзини узиб ерга қарамай, тик қарар эди. Аммо райбаҳадурнинг ўзи уйида йўқ экан, шу сабабдан унга бир оз кутиб туришга тўғри келди.

Рамшундор ҳаяжонини боса олмай, қизининг уйига кирди. Қувончдан ҳар иккиларининг кўзларидан ёш жилоланди. Ота йиғлади, қиз йиғлади ва узоқ вақт бир-бирларига бир сўз ҳам дея олмадилар. Ниҳоят Рамшундор тилга кирди:

— Қизим, энди мен сени байрамга уйга олиб кетаман, олиб кетаман дедимми, ҳеч ким менинг ройимни қайтара олмайди!

Кутилмаганда эшик очилиб, уйга Рамшундорнинг тўнғич ўғли билан ҳалиги иккита ёш набираси кириб келди.

— Ота, сизга нима бўлди, бизларни хонавайрон қилмоқчимисиз? — деди ўғли Рамшундорга мурожаат қилиб.

— Наҳотки мен ўз онам учун ёвуз ниятли иблис бўлсам! — деди у ғазабланиб. — Ахир қарзимни тўлашим керакку!

Маълум бўлишича, у, ўғилларим билмасин ва эшитмасин деб, қанчадан-қанча эҳтиётликларни кўриб, яна уй сотиш билан машғул бўлиб юрган экан. Лекин ўғиллари қандайдир йўл билан буни билиб қолишибди. Рамшундор қаҳр-ғазабдан ғоятда тутақиб кетган эди.

Шу орада набираси келиб бувасининг оёғига ёпишиб олди-да, унга қараб бидирлаб гапира бошлади.

— Дада, сиз менга аравача сотиб олганингиз йўқми, ҳали?

Рамшундор бошини қуйи эгди. Бола бувасининг жавобини кутмай туриб, чопқиллаб Нирунинг олдига келди.

— Амма, менга аравача сотиб олиб беринг! — деди у ялинib.

Гапнинг қаерда эканини тўла тушуниб етиш учун Нирупомага шунинг ўзи кифоя эди.

— Баба, қайин отамга агар яна бир пайса[1] берадиган бўлсангиз, мени қайтиб кўрмайсиз! — деди қизи.

— Ундай дема, қизим, — деди Рамшундор эътироз билдириб. — Агар мен қарзимни тўламасам, бу мен учун ҳам, сен учун ҳам уят бўлади!

— Аксинча, пул тўлашнинг ўзи уят! Ахир менинг ҳам ўзимга яраша ор-номусим, ғурурим бор-ку! Наҳотки, қизингиз ичида пули бор бўлса қадрланиб, пули йўқ бўлса қадр-қимматини йўқотиб қўядиган ҳамёён бўлса? Эрим ҳам бу пулни талаб қилаётгани йўқ!

— Шундай-ку, лекин улар сени уйга юборишмайди-да, қизим!

— Нима ҳам қилардик, юборишмаса юборишмас. Сиз ҳам улардан қайтиб бу тўғрида сўраманг!

Рамшундор титроқ босган қўллари билан чадорининг учига пул тугиб олган томонини елкасига ташлаб олди. Сўнг худди ўғрига ўхшаб, ўтган-кетганнинг кўзидан яшириниб, тағин уйига қайтиб келди.

Аммо Рамшундорнинг пул олиб келгани ва қизининг эътирози билан бермасдан қайтиб олиб кетгани сир бўлиб қола қолмади. Синчкович оқсоч хотин бу гапларнинг ҳаммасини эшик орқасида туриб эшитиб олиб, уни хўжайини келганда айтиб берди. Буни эшитган райбаҳадурнинг қаҳр-ғазаби ҳаддан ошди.

Шу кундан эътиборан қайин ота, қайин онанинг уйи Нирупома учун ҳақиқий қийноқ маконига айланди. Бу ёш жувоннинг ҳузур-ҳаловатсиз ҳол-аҳволи, унинг эрининг тўйдан кейин кўп ўтмай суд муовини лавозимига тайинланиб, бошқа жойга жўнаб кетганлиги сабабли кундан-кунга тағин ҳам оғирлашиб борарди. Отаси ва туғишганлари билан кўришиш эса унинг учун мутлақо манъ қилинган эди: гўё, агар у отасининг уйига — туғилиб ўсган муҳитига борса, у ёқдан ярамас панди-насиҳат эшитиб, ёмон одат ўрганиб келар эмиш!

Орадан кўп ўтмай, Ниру оғир касал бўлиб қолди. Бироқ шуниси борки, бу масалада айбни фақат қайин ота, қайин онасининг устига қўйиб бўлмайди. Нирунинг ўзи ўз ғамини ўзи емай ва ўзининг сиҳат-саломатлигига ўзи мутлақо эътибор бермай қўйди. Картик[1] ойининг совуқ кунларида ястиғини эшик томонга қўйиб ётди, кечалари усти очиқ қолди, қиш кунлари жуда юпқа кийиниб юрди. Нирунинг овқат ейишининг ҳам мазаси йўқ эди. Агар унга оқсоч қизлар овқат келтиришни унутиб қўйса, у ҳеч қачон бу ҳақда уларнинг эсига солмаси. Ниру, мен бу уйда фақат қайин ота, қайин онамнинг қўлига ва уларнинг раҳму-шафқатига қараб қолган сиғиндиман, холос, деган ўй-хаёлга кўникиб қолган эди.

Бироқ келининнинг бу хил хулқ-атвори райбаҳадурнинг мижғов хотининнинг жиғига тўғри келмасди. Агар у Нирунинг ҳафсаласизлик билан овқат еяётганини сезса, унга тегизиб, истеҳзо билан заҳарли пичинг отарди:

— Қаранг-а, теги-туёни кўрганни! Кўрдингларми, бизларга ўхшаган камбағалларнинг қилган овқати унинг томоғидан ўтмаяпти...

Пайт келди дегунча қайин онаси унга ичи қоралик билан заҳарханда қиларди:

— Аҳволига қаранглар уни, ҳавасинглар келади — пайраҳадек қотиб, чўпдай озиб кетибди!

Ниру кундан-кунга ўзини оғир ҳис қила бошлади, аммо қайин онаси бунга шунчаки бемаънличилик деб қаради.

Ниҳоят, куни етиб, Ниру қайин онасига ўтинч оҳангида мурожаат қилди:

— Она, ўлим олди охирги марта отамни ва акаларимни бир кўриб келишимга ижозат беринг!

— Бекорларни дебсан! — деган жавоб эшитди у. — Шунчаки, бориб отангни кўриб келгинг келаётгандир.

Ким, нима демасин, қайин онасининг ҳеч нарсага ишонгуси келмади. Кечга бориб Ниру оламдан ўтди... Фақат биринчи бор уни ўша куни доктор келиб кўрди, сўнг уни қайтиб ҳеч ким чақирмади.

Аммо мотам маросими жуда катта дабдаба билан ўтди, ахир марҳума райбаҳадурнинг тўнғич ўғлининг хотини-да! Фақат сандал дарахтининг шох-шаббаларидан уйиб ёқилган бу қадар улкан гулханни вилоятда ҳали ҳеч ким кўрмаган эди.

Нируни дафн этиш маросими шу қадар зўр дабдаба ва серҳашамлик билан ўтдики, райбаҳадурнинг олижаноблиги ҳақидаги дув-дув гап ҳамма ёққа овоза бўлди. Энди унинг бу шон-шуҳратига ҳатто райчоудхурининг[1] уйида бўладиган ва сувга санам ташлаш маросимлари орқали орттириладиган қуруқ шон-шуҳратларнинг ўзгинасини тенглаштириш мумкинми ҳеч. Шу қадар улуғ иззат-икром фақат райбаҳадурнинг оиласидан чиқадиган марҳумларгагина буюриши мумкин, холос...

Миш-мишларга қараганда, райбаҳадур шу дафн этиш маросимини ўтказаман деб ҳатто қарзга ҳам ботган эмиш.

Рамшундорга унинг қизини шу қадар зўр дабдаба ва серҳашамлик билан дафн қилганини бир-бирларига гал бермай гапиришар эдилар. Лекин бу гаплар уни тинчлантира олиши даргумон эди.

Шу орада суд муовинидан хат келиб қолди.

«Мен янги жойга жойлашиб олдим, — деб ёзган эди у ота-онасига, — тезлик билан хотинимни менинг олдимга юборинглар!».

Райбаҳадурнинг хотини ўғлига жавоб ёзиб юборди:

«Баба, билар сенга бошқа хотин излаяпмиз. Шунинг учун, жавоб ол-да, тезлик билан етиб кел».

Бу гал райбаҳадур қиз томоннинг йигирма минг рупия сеп беришини писанда қилди. Ҳамда: «Пулни тўй тантанасидан олдин берасан!» деб шарт қилиб қўйди.

Русчадан **Саидаҳмад ХУДОЙБЕРГАНОВ** таржимаси.

[1] Ашшин — Бенгалия йил санасининг еттинчи ойи, бизда сентябрь-октябрь ойларига тўғри келади.

[2] Дада — Бенгалияда ёшлар ота-онасининг оталарига ҳурмат юзасидан шундай деб ҳам мурожаат қиладилар.

[1] Пуджа — ҳиндларнинг Кали тангриси шарафига ўтказадиган катта диний байрами, сентябрь ойининг охири — октябрь ойининг бошларида бўлиб ўтади.

[1] Пайса — сариқ чақа.

[1] Картик — Бенгалия йил санасининг саккизинчи ойи, бизда октябрь-ноябрь ойларига тўғри келади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 08402 «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1502